

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

***САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ***

**«БАНК – МОЛИЯ ХИЗМАТЛАРИ» ФАКУЛЬТЕТИ**

**«БАНК ВА ЖАМЎАРМА ИШИ» КАФЕДРАСИ**

**«Ҳимояга тавсия этилган»**

**Кафедраси мудири, доц.**

**\_\_\_\_\_ Ниёзов З.Д.**

**(имзо)**

**«Банк иши» таълим йўналиши**

**БИ-106 гуруҳ талабаси Мажидов Юсуфнинг**

***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИСТЕЪМОЛ  
КРЕДИТИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
(ОАТБ «АГРОБАНК» МИСОЛИДА)***

**мавзусида бажарган**

***БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ  
ИШИ***

**Илмий раҳбар:**

***Илмий раҳбар: проф. Рашидов Ў.Р.***

**САМАРҚАНД – 2010**

## **КИРИШ.**

### **I БОБ. ТИЖОРАТ БАНКИ КРЕДИТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

- 1.1. 2009 йилда Ўзбекистонда молия – банк тизимини мустаҳкамлаш борасида эришилган натижалар
- 1.2. Тижорат банки кредит сиёсатининг асосий мақсади ва стратегияси
- 1.3. Банк кредит сиёсатининг асосий мезонлари ва кредит турлари
- 1.4 Тижорат банклари кредит сиёсатини амалга оширишнинг асосий йўналишлари

### **II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКИ ТОМОНИДАН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИНГ ОЛИБ БОРИЛИШИ ҲОЛАТИ.**

- 2.1 Жисмоний шахсларни кредитлаш амалиётининг олиб борилишида кредит портфелини шакллантириш хусусиятлари
- 2.2 Тижорат банки кредит портфелининг (жисмоний шахсларни кредитлаш соҳасида) таҳлили

### **III БОБ. КРЕДИТ СИЁСАТИНИ СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.**

- 3.1 Банк кредит сиёсатини стратегик ривожлантириш йўналишлари

### **IV БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР.**

- 4.1. Тижорат банкларида ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг қонунчилик асослари.
- 4.2. Тижорат банкларда ёнғин хавфсизлиги ва уни ўчириш.
- 4.3. Хулоса.

## **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

## **ИЛОВАЛАР**

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

## Кириш.

**Мавзунинг долбзарлиги.** Президентимиз И.Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларида бугунги кунда молиявий инқироз ҳолати ва унинг таъсирида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларга доир фикрларини билдириб, қуйидаги хулосаларни таъкидлаб ўтдилар: «...Иккинчидан, авж олиб бораётган глобал молиявий инқироз жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди. Айни вақтда бу инқироз асосан ўз корпоратив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган, кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорларида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат йўқлигини ҳам тасдиқлади.

Учинчидан, молиявий-иқтисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги микёси, кўлами ва оқибатлари қандай бўлиши кўп жиҳатдан бир қанча омиллардан келиб чиқади. Яъни, бу аввало, ана шу давлатнинг молия-валюта тизими нечоғлиқ мустаҳкам эканига, миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви ва ликвидлиги (тўлов имконига), уларнинг чет эл ва корпоратив банк тузилмаларига қанчалик қарам эканига, шунингдек, олтин-валюта захирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти ва пировард натижада – мамлакат иқтисодиётининг барқарорлик, диверсификация ва рақобатга бардошлик даражасига боғлиқ...».

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг барқарор ривожланиб бориши ҳамда унинг олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажарилиб борилишини таъминлади. Президентимиз И.Каримов таъкидлаб ўтганларидек: «Мамлакатимизнинг узоқ ва давомли манфаатлари тақозо этган ҳолатларда ва кескин вазиятлардан чиқиш, улар туғдирадиган муаммоларни ҳал этиш зарур бўлганда иқтисодиётда давлат томонидан бошқарув усуллари қўлланди ва бундай ёндашув охир-оқибатда ўзини тўла оқлади... Тижорат банкларимизнинг ташқи мажбуриятлар бўйича тўловларининг ҳолати ва ҳажми масаласи бўйича сўз юритганда ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқ. Бу ҳам республикамиз банк тизими жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсир ва оқибатларидан ишончли тарзда ҳимояланганлигини кўрсатади».

Республика Президенти И. Каримов қайд этганларидек: «Айнан банклар, таъбир жоиз бўлса, бутун иқтисодиётимизни озиқлантириб турадиган қон томирлари ҳисобланади, мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан уларнинг самарали фаолиятига боғлиқ».

Ўзбекистон банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасидаги ишларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш юзасидан Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва қатор бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи банк тизимини шакллантириш, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, банкларнинг инвестицион ва омонатларни жалб қилиш бўйича фаолиятини янада фаоллаштириш, уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш ва пировард натижада рақобатбардошлигининг юқори даражасига эришиш Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш дастурининг стратегик мақсади ҳисобланади. Демак, замонавий банк тизимининг ишлаш механизмни ўрганиш, таҳлил қилиш ва унинг келгуси ривожлантириш истиқболларини очиб бериш давлатнинг стратегик мақсадини амалга оширишнинг муҳим манбасидир.

Юқорида қайд этилганларга мувофиқ тижорат банкларининг кредит фаолиятини, жумладан жисмоний шахсларни кредитлаш ишларини илмий – назарий жиҳатдан таҳлил қилиш бугунги кунда энг долзарб иқтисодий муаммолардан бири ҳисобланади.

**Мавзу юзасидан олиб борилган илмий изланишларга қисқача тасниф.** Банкларнинг кредит фаолиятининг назарий – услубий асослари, амал қилиш қонуниятлари ва хусусиятлари кўпгина хорижий ва мамлакатимиз олимлари томонидан ўрганилган. Хорижий иқтисодчиларнинг ушбу йўналишдаги тадқиқотлари жумласига Э.Наумен, П.Роуз, Ж.Синки, К.Фалби, Г.Минцберги, М.Портер, Ф.Фордларнинг илмий ишларини киритишимиз мумкин. Шунингдек, рус иқтисодчилари Л.Красавина, А.Жуков, Е.Жуков, О.Лаврушин, Я. Миркин ва бошқалар томонидан кредит фаолият соҳасидаги муаммолар ва уларни бартараф қилиш масалалари кўриб чиқилган. Ўзбекистонлик иқтисодчи – олимлар ва мутахассислар Ф.Муллажонов, Ш.Абдуллаева, Ё.Абдуллаев, М.Ангелиди, Т.Маликов, Т.Қоралиев, О.Иминов, Т.Тен, А.Қодиров ва бошқаларнинг илмий изланишларида банк кредит фаолияти ва кредит сиёсати асослари ҳамда амалиёти кенг ёритилган.

**Битирув – малакавий ишнинг кафедра илмий тадқиқот ишлар режалари билан боғлиқлиги.** Битирув – малакавий иш мавзуси ҳамда олиб борилган тадқиқот «Банк ва жамғарма ишлари» кафедрасининг илмий – тадқиқот ишлари режаси билан мос келади.

**Битирув – малакавий ишнинг мақсади.** ОАТБ «Агробанки» томонидан жисмоний шахсларга таклиф қилинаётган кредит хизматлари ва банк кредит сиёсатини таҳлил қилиш, 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида банк томонидан амалга оширилган ишларни ўрганиш асосида кредит хизматлари кўламини кенгайтириш имкониятларини аниқлаш.

**Битирув – малакавий ишнинг вазифалари.** Белгиланган мақсадга эришиш учун куйидаги вазифалар белгилаб олинди ва ҳал қилинди:

- тижорат банклари кредит сиёсатининг назарий ва методологик асосларини тадқиқ қилиш;
- тижорат банклари кредит сиёсатининг асосий элементларини таҳлил қилиш;
- банк томонидан жисмоний шахсларни кредитлаш амалиётини олиб борилиши ҳолати ва унга таъсир этувчи омилларни ўрганиш;
- жисмоний шахсларга кўрсатилаётган банк кредит хизматларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** ОАТБ «Агробанк» томонидан жисмоний шахсларга таклиф қилинаётган кредит хизматлари ва банкнинг кредит сиёсати ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети** бўлиб, тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга таклиф қилаётган кредит хизматларини ривожлантиришга оид бўлган илмий масалалар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг илмий ва назарий асоси бўлиб,** Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг асарларида, банк соҳасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасидаги ишларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш юзасидан, илгари сурилган назарий қарашлар, банк фаолиятига оид Президент фармонлари ва қарорлари, қонун ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда республика Марказий банкининг меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлари, хорижий ва ўзбекистонлик иқтисодчи олимларнинг банк ишига оид илмий – услубий ёндашувлари, амалий тажриба ва хулосалари ҳисобланади. шунингдек, ишда воқеа ва ҳодисаларни илмий билишнинг диалектик усулларида, хусусан иқтисодий таҳлилнинг таққослаш, гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, таркибий ва миқдорий таҳлил усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

- тижорат банклари кредит сиёсатининг назарий ва методологик асосларининг ўзига хос хусусиятлари аниқланди;
- тижорат банкларининг кредит хизматларининг таркиби, турлари ва ҳажмига таъсир этувчи омилларнинг хусусиятлари аниқланди;
- тижорат банкларининг жисмоний шахсларга кўрсатаётган кредит хизматларининг келгуси ривожланиш тенденциялари аниқланди;
- жисмоний шахсларга кўрсатилаётган кредит хизматларини такомиллаштириш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Битирув – малакавий ишнинг амалий аҳамияти** шундаки, ундаги таклиф ва тавсиялардан банклар ва уларнинг филиалларида жисмоний шахсларга кўрсатилаётган кредит хизматлар кўламини кенгайтириш тадбирларини ишлаб чиқишда фойдаланишлари мумкин.

Ишдаги илмий – назарий ғоялар ва амалий таҳлил материалларидан банк ишига оид махсус курсларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Ишнинг таркиби ва ҳажми.** Битирув – малакавий иш кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

# І БОБ. ТИЖОРАТ БАНКИ КРЕДИТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

## 1.1. 2009 йилда Ўзбекистонда молия – банк тизimini мустаҳкамлаш борасида эришилган натижалар

Мамлакатимизда мустақил тараққиёт йўлига ўтилган даврдан бошлаб Президентимиз томонидан ҳар бир йил якунига кўра эришилган ютуқ ва натижаларни сарҳисоб қилиб, келгуси йилда бажарилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олиш анъанавий тарзда амалга оширилиб келмоқда. Бу тадбирнинг ўзига хос ижобий жиҳатлари сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- биринчидан, мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг самарадорлиги, амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш чора-тадбирлари ҳамда дастурларининг изчил ва пухта асосланганлигини баҳолаш;

- иккинчидан, халқимизнинг йил давомидаги фидокорона меҳнати натижаларини эътироф этиш;

- учинчидан, келгуси йилда устувор эътибор қаратиш лозим бўлган вазифа ва йўналишларни белгилаш, етарли даражада фойдаланилмаётган имкониятларни аниқлаш;

- тўртинчидан, иқтисодиётимизнинг турли соҳа ва тармоқлари, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги иқтисодий салоҳиятни ўзаро мувофиқлаштирилган ҳолда янада тўлароқ сафарбар этиш ва бошқалар.

Шу йилнинг 29 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузада Президентимиз мамлакатимизни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилишнинг тўғри танланган стратегияси, қабул қилинган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш борасида ўтган йилда куч ва имкониятларнинг сафарбар қилиниши туфайли глобал инқирознинг оқибатлари ва таҳдидларига нафақат бардош беришга, балки иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг барқарор суръатларини, халқ бардамлиги ва фаровонлигини оширишни таъминлашга муваффақ бўлинганлигини таъкидлаб ўтди.

Маърузада аввало 2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастури самарадорлигини ҳолисона баҳолаш муҳим принципал аҳамият касб этиши таъкидланиб, бу 2010 йилда ва ундан кейинги йилларда ушбу дастурни амалга ошириш жараёнида, зарурат туғилишига қараб, унга тегишли ўзгартиришлар киритишда ана шу таҳлил ҳулосаларига таянишимиз мумкинлиги орқали намоён бўлиши изоҳланди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ўзининг салбий оқибатлари билан дунёнинг аксарият мамлакатлари иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатган 2009 йил бизнинг мамлакатимиз учун ҳам ғоят қийин бўлди. Шунга қарамай, ҳукуватимиз томонидан 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган инқирозга қарши дастурнинг инқироз таъсирини юмшатиш ва бартараф этишдаги роли ва аҳамияти катта бўлди.

2009 йил, моҳият эътиборига кўра, аввало, эски маъмурий-буйруқбозлик, тақсимлаш тизимидан бозор муносабатларига асосланган бошқарув тизимига ўтиш бўйича биз танлаган, машхур беш тамойилни ўз ичига олган ўзбек модели, давлатимиз ва иқтисодиётимизни босқичма-босқич, изчил ислоҳ этиш ва тадрижий ривожлантириш стратегияси учун том маънода синов йили бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

*И.Каримов (маърузадан)*

Маълумки, 2008 йилда АҚШ ипотека кредитлаш тизимида бошланиб, кўплаб ривожланган мамлакатларнинг молия тизimini ишдан чиқарган, кейинчалик иқтисодиётнинг реал сектори ва ижтимоий соҳага сезиларли таъсир кўрсатиб, катта талофатлар етказган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози вужудга келишининг

дастлабки палласидаёқ Ўзбекистонда инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилган ва изчиллик билан амалга ошириш бошлаб юборилган эди. Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари» номли асарида мазкур дастурда белгиланган қуйидаги комплекс чора-тадбирлар кўрсатиб ўтилган эди:

1) корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш;

2) жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш;

3) қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш;

4) электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш;

5) жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш<sup>1</sup>.

Дастур ўзига қамраб олган, ўз вақтида қабул қилинган ҳужжатларда аввало мамлакатимиз молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарга ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларнинг пухта ишлаб чиқилгани ўзининг амалий самарасини берди.

Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширган тадбирларимиз қаторида молия-банк тизимини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада таъсирчан тадбирлар амалга оширилди. Жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги 1166-сонли Қарорига асосан пул массасининг мақсадли параметрларидан келиб чиққан ҳолда ва тижорат банклари томонидан узоқ муддатли депозитлар жалб қилишни рағбатлантириш

Бугунги кунда Ўзбекистон банк тизими қатъий халқаро талабларга жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири бўлиб, айна пайтда у белгиланган қатор нормативлар бўйича мустаҳкам позицияларга эга.

**И.Каримов (маърузадан)**

мақсадида 2009 йилнинг 1 сентябридан бошлаб табақалаштирилган мажбурий захиралар нормаси жорий этилди;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги 4057-сонли Фармонида мувофиқ, фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларидаги омонатлари уларнинг миқдоридан қатъий назар

тўлиқ қайтарилишининг давлат томонидан кафолатланганлиги аҳолининг банк тизимида бўлган ишончини янада мустаҳкамланишига хизмат қилди ва бу жисмоний шахсларнинг банклардаги омонатлари ҳажмининг ошишига ижобий таъсир кўрсатди;

- Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 февралдаги 1-сонли мажлис баёни талабларидан келиб чиққан ҳолда, аҳолининг бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилинишида ҳамда омонатдаги маблағларни уларнинг биринчи талабига кўра берилишида қонун бузилишига йўл қўймаслик, омонатчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ва банкларнинг мазкур фаолиятлари устидан назоратнинг янада кучайтирилганлиги ҳам аҳоли бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилишни янада жадаллаштирди;


<sup>1</sup> И.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 31-34-б.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги 1090-сонли «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур қарор билан тасдиқланган «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари комплекси» доирасида банк тизимида бу борада олиб борилаётган ишлар янада фаоллашди;

- Республика банк Кенгашининг 2009 йил 15 апрелдаги 2-сонли қарорига мувофиқ, фоиз ставкаларини юридик шахсларнинг банклардаги 6 ойдан ортиқ муддатга жойлаштирилган депозитлари учун молиялаш ставкасининг 75 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, аҳолининг 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштирилган депозитлари учун Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 150 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ҳамда жисмоний шахсларнинг пластик карточкалардаги маблағлари учун Марказий банк қайта молиялаш ставкасидан кам бўлмаган миқдорда белгилаш юзасидан тавсиялар берилди.

Бундай таъсирчан чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида сўнгги икки йилда тижорат банкларининг умумий капитали 2 баробар кўпайди. 2009 йилнинг ўзида етакчи банкларнинг низом жамғармаларини ошириш учун қўшимча равишда 500 миллиард сўмдан ортиқ давлат маблағлари ажратилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз 30 та банк фаолият кўрсатиб, шундан 3 таси давлат банклари, 13 таси акциядорлик тижорат банклари, 9 таси хусусий банклар, 5 таси хорижий капитал иштирокидаги банклар ҳисобланади.



Кейинги йилларда тижорат банклари фаолиятининг кенгайиб бориши ўз навбатида улар томонидан берилаётган кредитлар, банклардаги депозитлар ва умумий капитал ҳажмига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, 2005-2009 йиллар мобайнида тижорат банклари кредитлари ҳажми 2,2 марта, депозитлари ҳажми 5,2 марта, умумий капитали 3,2 марта ошган.

Банкларимиз капиталининг етарлилик даражаси 23 фоиздан ошади. Бу эса банклар мониторинги билан шуғулланадиган халқаро Базель қўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлардан қарийб 3 баробар кўпдир.


Умумий активлари мамлакатимиз банк тизимининг 90 фоиздан ортигини ташкил қиладиган 14 та тижорат банки «Фитч Рейтингс», «Мудис» ва «Стандарт энд Пурс» каби етакчи халқаро рейтинг компанияларининг «барқарор» деган юқори рейтинг баҳосини олишга муваффақ бўлди.

Ҳозирги кунда банкларнинг умумий активлари аҳоли ва юридик шахслар ҳисобрақамларидаги маблағлар миқдоридан 2 баробардан ҳам ортиқ бўлиб, бу уларнинг тўлиқ ҳимоясини ва тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишини кафолатлайди.

Банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги банкларнинг ташқи тўловлар бўйича жорий мажбуриятларидан 10 баробар кўпдир. Бошқача айтганда, республикада банк тизимининг мустаҳкам ҳимояси яратилган.

Банк тизимининг мустаҳкамланиши ва унга нисбатан аҳоли ишончининг ортиши натижасида омонатлар ҳажми сезиларли равишда ортиб бормоқда.

Фақат ўтган йилнинг ўзида аҳоли омонатлари миқдори 1,7 баробар ошди.



Жадвалдан кўринадики, 2003-2010 йиллар мобайнида аҳоли даромадлари ҳажми 16 баробардан кўпроқ ошган.

Кейинги йилларда банкларнинг кредит портфели таркиби тубдан ўзгариб бормоқда. Агар 2000 йилда кредит портфелининг қарийб 54 фоизи ташқи қарзлар эвазига шаклланган бўлса, 2009 йилда банкларимиз жами кредит портфелининг 84 фоизи ички манбалар ҳисобидан шакллантирилган.

Бугунги шароитда эса бундай ижобий ўзгариш иқтисодиётимизнинг истиқболдаги тараққиёти учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Айтиш керакки, ташқи қарзлар аксарият ҳолларда узоқ муддатга, фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун жалб қилинмоқда.

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида эътиборли жиҳатлардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10 ноябрдаги 4051-сонли «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ:

- тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун 18 ойгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридаги имтиёзли микрокредитлар бўйича максимал ставкани йиллик 5 фоиздан 3 фоизга;

- кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларини тўлдириш учун 24 ойгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдоридаги микрокредитлар бўйича – Марказий банк томонидан қайта молиялаштириш ставкасининг 100 фоизидан 50 фоизга;

- кичик бизнес субъектлари учун 3 йилгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 2000 баробари миқдоридаги имтиёзли микролизинг хизматлари бўйича максимал ставкани йиллик 7 фоиздан 5 фоизга туширилди.

Кредитлашда бундай аҳамиятли имтиёзларнинг белгиланиши мазкур соҳа вакиллари томонидан кредитга бўлган талабнинг ва айни пайтда уларга берилаётган кредит ҳажмининг йилдан-йилга ошиб боришига олиб келмоқда. Жумладан, 2005-2009 йиллар давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига берилган жами кредитлар миқдори 4,4 баробар, микрокредитлар миқдори эса 7,1 баробар ошган.

Шу ўринда тижорат банклари кредитлари тўғрисида сўз борганда уларнинг мақсад йўналишлари жиҳатидан таркиби ҳам такомиллашиб бораётганлигини таъкидлаш лозим.

Банкларнинг инвестиция мақсадларига йўналтирилган кредитларининг умумий кредит портфелидаги улуши қарийб 70 фоизни ташкил этди, иқтисодиётимизнинг реал секторига йўналтирилган кредитларининг умумий ҳажми эса 2009 йилда 2000 йилга нисбатан 14 баробар ошди.

Сўнгги ўн йилда иқтисодиётнинг реал секторларини кредитлашга йўналтирилган ички манбалар 25 баробардан зиёдроқ кўпайди. 2009 йилда жами банк кредитлари таркибидан узок муддатли кредитларнинг улуши 78,3 фоизни ташкил этган.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кўринадики, мамлакатимиздаги банк-молия соҳасининг тобора мустаҳкамланиб бориши амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар молиявий таъминотининг кучайишига, иқтисодиёт реал секторининг ҳар томонлама кўллаб-қувватланишига ҳамда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларининг таъминланишига замин яратмоқда.

## **1.2. Тижорат банки кредит сиёсатининг асосий мақсади ва стратегияси**

Назорат органлари томонидан қўйилган талабларга риоя қилиш ва кредитларнинг даромадлигини таъминлашнинг энг кўп тарқалган йўлларида бири банк кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Кредит сиёсати кредит бўлинмалари ходимлари ва банк бошқарувчиларига кредит портфелининг структураси танлаш ва конкрет кредитни бериш тўғрисидаги қарорни қабул қилишдаги асосий йўналишларни белгилаб беради. Банкнинг кредит портфели таркиби банкнинг кредит сиёсатини акс эттиради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кредит сиёсатининг асосий элементларини белгилаб беради (Ўз.Р. АВ томонидан 2000 йил 2 мартда 905-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низоми). Бундай элементлар жумласига қуйидагилар киради:

1. Кредит портфелини шакллантиришда кўзланган мақсад (яъни яхши кредит портфелининг хусусиятлари кўрсатилади: кредит турлари, муддати, миқдори ва сифати);

2. Кредит бериш соҳасидаги ҳар бир кредит инспектори, кредит комиссиясининг ҳуқуқлари (аниқ ходим, филиал томонидан ажратилиши мумкин бўлган кредитларнинг максимал миқдори ва зарурий имзолар);

3. Кредит бошқаруви доирасида маълумотлар ва ҳуқуқларни узатиш бўйича мажбуриятлар;

4. Мижозларнинг кредит буюртмалари бўйича текшириш, баҳолаш ва қарор қабул қилиниши амалиёти;

5. Кредит буюртмасига илова қилинадиган ҳамда кредит портфелида сақланиши лозим бўлган зарурий ҳужжатлар (молиявий ҳисоботлар, қафолат ёки гаров шартномалари ва х.к.)

6. Кредит таъминотини қабул қилиш, баҳолаш ва реализация қилишнинг асосий қоидалари;

7. Кредитлар бўйича фоизлар ва комиссияларни ўрнатиш сиёсати ва амалиёти баёни;

8. Барча кредитларга тегишли бўлган сифат стандартларининг баёни;

9. Кредит қўйилмаларининг максимал миқдори (кредит қўйилмалари ва жами активлар ўртасидаги нисбатнинг максимал даражаси);

10. Банк томонидан хизмат кўрсатилаётган регион ёки тармоқ тўғрисидаги маълумотлар;

11. Муаммоли кредитларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф қилиш амалиётини ўтказиш тартиби.

Ушбу рўйхатга шунингдек, банк бериши мумкин бўлмаган ҳамда банк учун жозибадор бўлган кредитларни киритиш мумкин.

Кредит сиёсатининг баёни банк учун катта аҳамият касб қилади. Унда банк ходимлари риоя қилишлари шарт бўлган процедуралар ва уларнинг мажбуриятлари баён қилинади. Кредит сиёсати банкга бир қатор мақсадларга (даромадлиликини таъминлаш, риск даражасини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш органлари талабларига мос фаолиятни ташкил этиш) эришишга ёрдам берувчи кредит портфелини шакллантириш имкониятини яратади. Кредит сиёсатидан ҳар қандай четлашувлар фақат истисно тариқасида бўлиши мумкин ва тегишли тушинтиришлар ҳамда ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши шарт.

Сиёсатнинг асосий мақсади – банк филиаллари томонидан мижозларнинг кредит маблағларига бўлган эҳтиёжини кондириш, кредитлаш ва инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш жараёнида амалдаги конунчилик талаблари ҳамда меъёрларига риоя этиш, кредит сиёсати ва кредитлаш тартиботларининг яхлитлигини кафолатлаш, таваккалчиликларни мунтазам равишда диверсификациялаш, банк ликвидлилигини мустаҳкамлаш ҳамда кредитлаш жараёнини тўғри ва ўрнатилган тартибда амалга ошириб, банк фаолиятининг фойдалилиги ҳамда самарадорлигини таъминлашдир.

Мамлакатимизни ривожлантириш ва модернизация қилиш, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш мақсадида сиёсатининг асосий йўналишларида кўйидагилар белгиланади:

- банкнинг инвестициявий фаоллигини янада ошириш ва кредит портфелининг умумий ҳажмида узок муддатли кредитлар улушини пропорционал миқдорда ўсишини таъминлаш ҳамда узок муддатли кредитлаш амалиётини кенгайтириш учун мустаҳкам асос яратиш;

- кредитлаш жараёнида асосий эътиборни иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, замонавий хорижий технологиялар ва ускуналарни жалб этишга йўналтирилган узок муддатли юқори самарали инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратиш;

- ички истеъмол бозорини маҳаллий озик-овқат маҳсулотлари билан барқарор бойитиш ва янги иш уринларни яратиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга ажратилаётган кредит ресурслар ва микрокредитлар ҳажмини кўпайтириш;

- зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, улар негизда янги корхоналар ташкил қилиш, ишлаб чиқаришини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда салоҳиятли инвесторларга сотиш жараёнини кенгайтириб бориш.

Сиёсатни амалга ошириш жараёнида банк куйидаги вазифалар бажарилишини таъминлайди:

- а) кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликларига кредит бериш ва комплекс тарздаги банк хизматлари кўрсатиш;

- б) кишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари, барча мулкчилик шаклидаги корхоналар, шу жумладан пахта ва галла маҳсулотларини қайта ишлаш, саклаш, ташиш ва сотишга ихтисослашган пахта тозалаш ва донни қайта ишлаш саноати корхоналарига кредит бериш ва молиялаштириш механизмларини изчил такомиллаштириб бориш;

- в) ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, агросаноат комплекси тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилашга, замонавий чет эл технологиялари ва ускуналарини жалб этишга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, шу асосда юқори сифатли, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш, ички истеъмол бозорини маҳаллий озик-овқат товарлари билан барқарор тўлдириш;

г) банкнинг шахсий ресурсларини сафарбар қилиш, омонатлар ва депозитларнинг янги жозибадор турларини таклиф этиш йўли билан аҳоли ва корхоналарнинг маблағларини жалб қилиш, улардан самарали, шу жумладан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда самарали фойдаланиш, қўйилган маблағлар ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминлаш;

д) халқаро молия институтлари ва етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестициялари ва грантларини жалб этиб, кейинчалик кишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари ва республика иктисодиёти агросаноат сектори корхоналарини ана шу маблағлар ҳисобига қайта молиялаштириш.

Сиёсатнинг стратегияси қуйидагилардан иборат:

а) юқори сифатли активларни шакллантириш ва даромадлилик ҳамда ликвидлиликнинг мунтазам, мақсадли даражасини таъминлаш имконини берадиган таваккалчиликка йўл қўйиш ва уни мақсадга мувофиқ бошқариш;

б) юқори сифатли кредит портфели ва уни самарали бошқаришни таъминлай оладиган малакали кредит ходимлари жамоасини шакллантириш;

в) банкнинг стратегик мақсадларига мос келадиган, иктисодий жихатдан истикболли, рентабелли лойиҳаларни молиялаштиришга қисқа ва узок муддатли ссудалар бериш;

г) банк махсуллари рентабеллигини таъминлаш мақсадида кредит ресурсларини жалб этиш, жалб этилган ресурслар муддатларидан келиб чиққан ҳолда кредитлаш жараёнини амалга ошириш;

д) банк мижозлари билан узок муддатли, ўзаро манфаатли муносабатларнинг ривожланишига қўмаклашиш;

е) кредит фаолиятини амалга оширишда амалдаги конунчилик ва Марказий банк томонидан ўрнатилган меъёрларга риоя этиш;

ё) кредитлашни мазкур соҳа билан боғлиқ банкнинг бошқа ички сиёсат ва тартиботларига асосланган ҳолда амалга ошириш;

ж) ривожланиб бораётган иктисодиётнинг шаклланаётган талабларини қондиришга қодир бўлган, мослашувчан банк хизматлари ташкил этилишини таъминлаш.

Сиёсатнинг устувор йўналишлари:

а) Агросаноат комплекси тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик янгилашга йўналтирилган фаол инвестициявий сиёсатни амалга ошириш, замонавий хорижий технологиялар ҳамда ускуналарни жалб этиш, шу асосда юқори сифатли, жаҳон ва ички бозорларда рақобатбардош махсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш, ички истеъмол бозорини маҳаллий озик-овқат махсулотлари билан барқарор бойитиш;

б) Иктисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг молиявий барқарор ишлашини таъминлаш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида юқори ликвидли таъминот асосида айланма маблағларини тўлдириш учун кредитлар ажратиш;

в) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараккиёт жамғармаси ҳамда бошқа акциядорлар маблағлари ҳисобидан банк устав капиталига киритилаётган маблағларни иктисодиётнинг реал сектори корхоналарига имтиёзли асосда, жумладан экспортга йўналтириладиган ва импорт ўрнини босувчи махсулотлар ишлаб чиқариш учун айланма маблағларини тўлдиришга, корхоналарни қуриш, модернизация, техник ҳамда технологик қайта жиҳозлаш учун янги инвестиция лойиҳаларини кредитлашга йўналтириш;

г) Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва Тараккиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи махсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида хориждан техника ҳамда асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш;

д) Халқаро молиявий институтлар ҳамда хорижий банклар кредит йўналишларини инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга жалб қилиш;

е) Банкнинг ўз ресурс маблагларидан инвестиция лойихаларини амалга ошириш учун самарали фойдаланиш ҳамда йўналтирилган маблагларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтариб олишни таъминлаш;

ё) Ишлаб чиқарилаётган махсулотни ташки ва ички бозорларда сотиш истикболларини чуқур таҳлил этиш асосида инвестиция лойихаларини танлаб олиш, комплекс баҳолаш ҳамда экспертиза қилиш механизмини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик даражаси оширилишини таъминлаш, лойихаларнинг амалга оширилишидан кўриладиган молиявий фойдани прогностлаш;

ж) Зарар кўриб ишлаётган ва иктисодий ночор корхоналарда инкирозли бошқарувнинг замонавий усул ҳамда механизмларини жорий қилиш, ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклаш ва модернизация қилиш, рақобатбардош махсулот ишлаб чиқаришни ташкил этган ҳолда уларни молиявий соғломлаштириш ҳамда кейинчалик стратегик инвесторларга сотиш;

з) Кишлоқ хўжалигида иктисодий ислохотларни изчил чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини янада кўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш мақсадида фермерларга кредитлар тақдим қилиш;

и) Кишлоқда саноат ишлаб чиқариши ва қурилишни янада жадал ривожлантириш, замонавий техника ҳамда технологиялар билан жихозлашган мевасабзавот ва чорвачилик махсулотларини қайта ишлаш бўйича ихчам корхоналарни ташкил этиш, хизматлар ҳамда сервис соҳаларини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, ушбу асосда кишлоқ аҳолисини, энг аввало ёшларни ишга жойлаштиришни таъминлаш, кишиларнинг даромадлари ва фаровонлигини оширишда фаол иштирок этиш;

к) 2010 йил “Баркамол авлод йили” деб эълон қилиниши муносабати билан ёшларга чуқур билим ва касб-хунар эгаллаш учун замин яратиш, уларни кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилиш орқали ҳар бир ҳудудда янги иш ўринларини очиш ҳамда ёшларни молиявий жиҳатдан кўллаб-қувватлаш мақсадида таълим, истеъмол кредитлар ҳамда микрокредитлар ажратилишини янада жадаллаштириш;

л) Инвестиция лойихаларини танлаб олиш, экспертиза қилиш ва амалга ошириш масалалари бўйича банк ходимларини тизимли асосда қайта тайёрлаш ҳамда малакаси оширилишини ташкил этиш, банкларни юқори малакали, ташаббускор, банкларнинг инвестицион фаолиятини авж олдириш вазибаларини самарали ечиш қобилиятига эга раҳбарлар ва мутахассислар билан мустаҳкамлаш.

Кредит хизматлари мулкый мақомидан қатъий назар кишлоқ хўжалик корхоналарига, ишлаб чиқариш, савдо, таъминот ва хизмат кўрсатиш соҳаларига, фуқаролик ҳамда бошқа қурилишлар, экспорт ва импорт операцияларини амалга оширишга ҳамда яққа тартибдаги тадбиркорлар, кичик бизнес субъектлари, дехқон ва фермер хўжалиқларига тақдим этилиши мумкин.

Танланган устувор йўналишларга мувофиқ кредитлар иктисодиётнинг тармоқ белгилари бўйича қуйидаги соҳаларга йўналтирилади:

а) қайта ишлаш саноати (пахта, пилла, қоракўл, мева-сабзавот махсулотлари ва хоказо);

б) кишлоқ хўжалигининг моддий-техника таъминоти;

в) кишлоқ хўжалиги;

г) капитал қўйилмаларни молиялаштириш;

д) тижорат фаолияти;

е) кичик бизнес;

ё) истеъмол бозори;

ж) таълим кредитлари;

з) бошқалар

Кредитлар амалдаги қонунчилик ва кредитлаш тартиботларига зид бўлган мақсадларга берилмайди.

Кредит ажратиш масаласини банк томонидан кўриб чиқилиши мобайнида қарз олувчининг тасдиқланган Низоми (Устави)да устав фонди белгиланган тартибда шакллантирилган бўлиб, бухгалтерия баланси маълумотларига мос келиши шарт.

Кредит йигмажилдларини таҳлил қилиш, кўриб чиқиш ва улар бўйича яқуний қарор қабул қилиш ваколати ҳамда жавобгарлиги, шунингдек кредитлар тақдим этилиши юзасидан лимитларга риоя этилиш жараёнлари “Агробанк” ОАТБ Кредит кўмитаси тўғрисида”ги Низоми талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Кредит қўйилмалари ва кредит ресурслари ҳажмларининг ўзаро мутаносиблигини инобатга олган ҳолда мазкур кўрсаткичлар ҳажми Агробанкнинг 2010 йилга тасдиқланган Бизнес-режаси ҳамда банкнинг бошқа тегишли меъёрий ҳужжатлари талаблари доирасида самарали бошқарилади.

Банк тузилмалари томонидан ажратилаётган кредитларнинг ҳажми, турлари ва тўплануви даражаси Агробанкнинг тасдиқланган йиллик Бизнес-режаси параметрлари билан белгиланади.

Тасдиқланган йиллик Бизнес-режа параметрларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида чора-тадбирлари ҳамда ижтимоий-иқтисодий дастурлари бажарилишини таъминлаш мақсадида йил давомида ўзгартиришлар қиритилиши мумкин.

### **1.3. Банк кредит сиёсатининг асосий мезонлари ва кредит турлари.**

Банкнинг кредит портфели кредитларнинг қуйидаги турларидан шакллантирилади:

а) Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг алоҳида чора-тадбирлари ҳамда давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий дастурларини амалга оширилиши билан боғлиқ чора-тадбирларни молиялаштириш учун бериладиган мақсадли кредитлар;

б) Тижорат кредитлари;

в) Синдициялашган кредитлар;

г) Хорижий кредит йўналишлари ҳисобидан эркин айирбошладиган валютада бериладиган кредитлар.

Кредитлаш чоғида банк умумий қабул қилинган халқаро тартиб-қоидаларга амал қилади ҳамда кредит портфелини қуйидаги кўринишда таснифлайди:

а) халқ хўжалиқ тармоқлари;

б) мақсадлари;

в) фойдаланиш муддатлари;

г) суммаси;

д) таъминланиш шакли;

е) иштирок этиш шакли;

ё) фоиз ставкасининг турлари ва даражалари, тўлов манбалари ҳамда фоизларни ундиришнинг даврийлиги;

ж) мулкчилик шакллари;

з) молиялаштириш манбалари;

и) таваккалчилик даражаси бўйича.

Фойдаланиш муддати бўйича ажратиладиган кредитлар қуйидаги турларга таснифланади:

а) қиска муддатли ссудалар (12 ойгача берилган кредитлар);

б) узок муддатли ссудалар (бир йилдан ортиқ).

Кредитлаш турлари бўйича ажратиладиган ссудалар қуйидаги турларга таснифланади:

а) алоҳида ссуда ҳисобварағи бўйича “кредит йўналишини очмасдан” кредитлаш;

б) алоҳида ссуда ҳисобварағи бўйича “кредит йўналишини очиш билан” кредитлаш;

в) контокоррент ҳисобварағи бўйича кредитлаш;

г) овердрафт;

- д) кимматли коғозлар гарови асосида кредитлаш (ломбард ссудалар);
- е) хорижий кредит йўналишлари ҳисобидан хорижий валютада кредитлаш;
- ё) ишончли ссудалар (бланк кредитлари);
- ж) аккредитив бўйича кредитлаш;
- з) лизинг (молиявий ижара);
- и) факторинг асосида кредитлаш.

Мақсадлар бўйича ажратилган кредитларнинг таснифланиши:

- а) асосий воситалар сотиб олиш учун берилган ссудалар;
- б) айланма маблағларни тўлдириш учун берилган ссудалар;
- в) кишлоқ хўжалик маҳсулотларининг келгуси йил ҳосилини бўнаклаш учун берилган ссудалар;
- г) қурилишни молиялаштириш;
- д) лойиҳаларни молиялаштириш;
- е) кичик бизнес субъектларининг бошланғич капиталини шакллантириш учун берилган кредитлар;
- ё) жисмоний шахсларга ўқиш учун берилган таълим кредитлари;
- ж) марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан “Калити билан” шarti асосида пудратни қурилиш ташкилотларига берилган кредитлар;
- з) пудрат ташкилотларига қурилиш материалларини сотиб олиш учун;
- и) аҳолига берилган истеъмол кредити;
- к) ипотека кредити;
- л) бошқалар

Овердрафт ва контокоррент ҳисобварақлари бўйича кредитлаш, бланк кредитларни ажратиш истисно ҳолларда фақат биринчи синфга мансуб ҳамда молиявий барқарор қарз олувчилар учун амалга оширилади (ҳар 12 ойда қайта қўриб чиқилади).

Асосий воситаларга йўналтирилган инвестициялар (лизинг)нинг муддати объектни ўзини-ўзи қоплаш муддатидан ортиқ бўлмаслиги лозим (молиялаштириладиган объектнинг тегишли амортизацияси ҳажмидан кам бўлмаган микдорда ойлик бадаллар мунтазам равишда тўлаб борилиши шарт).

Иқтисодийнинг реал тармоқлар секторидаги экспортчи корхоналарга айланма маблағларни тўлдириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаган ставкада юқори ликвидли кредит таъминотини тақдим этиш шarti билан 12 ой муддатга имтиёзли кредитлар ажратилиши мумкин.

Барча кредитлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси ёки хорижий валютада берилди.

Қуйидаги ҳолатларда кредитларнинг берилиши тақиқланади:

- а) балогат ёшига етмаган ёки ҳуқуқ лаёқатига эга бўлмаган шахснинг траст (ишонч) эгаллигида турган мулк билан таъминланган;
- б) хусусийлаштирилган корхоналар мулкани сотиб олиш учун;
- в) қонуний бўлмаган мақсадларга;
- г) қурол-аслаҳа ишлаб чиқариш учун;
- д) атроф-муҳитга зарар етказувчи лойиҳаларга.

Кредитлашга оид тартиботларга биноан айрим фаолиятларни кредитлашга чекловлар қўйилиши мумкин.

Банк филиали умумий кредит қўйилмаларининг ҳажмида муддати ўтган кредитларнинг салмоғи (балансдан ташқаридаги кредитлари билан биргаликда) 5 фоиздан ошиб кетса, унда муддати ўтган кредитлар ҳажми қамайгунга қадар мазкур филиалда кредитлаш жараёни вақтинча тўхтатилиши мумкин.

Алоҳида иқтисодий сектор корхоналарига берилган кредитларнинг умумий ҳажми (банкнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда кишлоқ хўжалик корхоналарига, кишлоқ хўжалигига хизмат қўрсатувчи ташкилотларга ажратилган ссудалар ҳамда

марказлаштирилган ресурслар хисобидан берилган кредитлар бундан истисно) банк кредит портфели умумий хажмининг 20 фоизидан ошмаслиги керак.

Тармоқлар бўйича ўрнатилган кредит лимитларидан ортиб кетадиган кредитлар банк Кенгаши томонидан қайта кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Банк Бошқарувига жорий кредит портфелининг диверсификацияси хақида мунтазам маълумот бериб борилади.

Таснифланган кредитлар (қарз олувчи, соҳа, кредит мақсадлари, таъминот тури ва бошқа шу қабилар бўйича) маълум бир даражадаги таваккалчилиги билан характерланади.

Бундай ссудалар тақдим этилишининг масаласи ссуда хисобварагининг ахволи, кредит шартномаси шартларини (муддати ўтган тўловлар, сўндирилмаган қарзлар ва бошқа шу қабилар) тез-тез бузилиш ҳолатлари, ссуда сўндирилишидаги қийинчиликлар ҳамда юқорида санаб ўтилган омилларнинг баробар таъсирини хисобга олган ҳолда ҳал этилади.

Банк Кенгаши кредит тузилмалари бошлиқлари зиммасига чекланган кредитлар туркумини кенгайтириш ёки қискартириш ваколатларини ҳамда бундай кредитлар рўйхатини мунтазам назорат қилиш мажбуриятини юқлайди.

#### **1.4. Тижорат банклари кредит сиёсатини амалга оширишнинг асосий йўналишлари**

Банк тизимида кредит “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 34-моддасига биноан мол-мулк гарови, банк ва сугурта ташкилотларининг қафолати, учинчи шахслар қафиллиги ҳамда кредитларни қайтмаслик хавфини сугурталаш мажбуриятлари сифатидаги таъминот турлари мавжуд бўлгандагина берилади.

Гаровга олинган мулкни баҳолаш бўйича ишлар “Агробанк” ОАТБ тизимида кредитларнинг гаров таъминоти билан ишлаш Тартиби” асосида олиб борилади ва улар юзасидан назорат Марказий аппаратнинг Кредит таъминоти билан ишлаш бўлими томонидан амалга оширилади.

Кредитлар таъминотига қуйидагиларни расмийлаштириш мумкин:

- а) депозитлар;
- б) транспорт воситалари гарови;
- в) қимматбаҳо металллар ва тошлардан ясалган заргарлик буюмлари гарови;
- г) қўчмас мулк гарови;
- д) асосий воситалар гарови;
- е) товар-моддий бойликлар гарови;

ё) чорва моллари гарови (Адлия вазирлигида 2006 йил 2 майда рўйхатдан ўтган “Тижорат банклари томонидан иш билан таъминлашга қўмақлашиш давлат жамғармаси маблағлари хисобидан шахсий ёрдамчи ва дехкон хўжалиқларига чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида”ги 1567-сонли ва “Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи ва дехкон хўжалиқларига чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида”ги 1568-сонли Низомларга асосан ажратиладиган микрокредитлар бўйича);

- ж) давлат қимматли қозғалдиқлари гарови;
- з) банклар ва сугурта ташкилотларининг қафолати;
- и) тадбиркорлик хатари ёхуд шартнома бўйича жавобгарлик сугуртаси;
- к) Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг қафолати;
- л) сугурта компаниясининг сугурта полиси;
- м) ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқи;
- н) қимматбаҳо металллар гарови;
- о) қишлоқ хўжалиқ маҳсулотининг қелгуси йил ҳосили гарови;
- п) учинчи шахс қафиллиги/қафолати;
- р) ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқлари гарови.

Кредит таъминоти сифатида депозитлар, сугурта полислари ёки бошқа таъминот турлари расмийлаштирилганда ушбу таъминот асосида ажратилаётган кредит ҳамда унинг таъминоти муддатларининг ўзаро муносиблиги таъминланиши лозим.

Кредит таъминотига сугурта компанияларининг сугурта полислари расмийлаштирилишидан аввал уларнинг молиявий ҳолати барқарорлигини ёки юкори рейтинг даражасини тасдиқловчи ҳужжатлар ва фаолияти юзасидан тегишли лицензияси тақдим этилиши лозим.

Кредит таъминоти сифатида кўчмас мулк, асосий воситалар, шунингдек транспорт воситалари ҳамда товар-моддий бойликлар гарови расмийлаштирилганда қарз олувчидан ушбу мол-мулкларнинг ҳақиқатда мавжудлиги, ҳисобининг (Давлат солиқ инспекциясидан ўтказилган бухгалтерия балансларида) ўрнатилган тартибда юритилиши ҳамда уларга нисбатан мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар ва ушбу мол-мулклар белгиланган тартибда ваколатли органлар (Давлат мулк кўмитаси, “Ўздавлаттехназорат” инспекцияси) рўйхатидан турганлиги тўғрисидаги тегишли маълумотлар мажбурий тарзда олиниши шарт.

Кафил субъектлар тўлов қобилиятини таҳлил қилиш мобайнида агарда уларнинг баланслари ноликвидли ёки зарар билан ишлаётганлиги аниқланса, шунингдек жами активлари бериладиган кафиллик суммасидан кам бўлса ёки ўз мажбуриятларида банк кредитларидан қарздорлиги бериладиган кафиллик суммасидан ортган ҳолда, ушбу кафил субъектларнинг кафиллиги кредит таъминоти сифатида қабул қилинмайди.

Кафиллик асосида ажратилган кредитларни мониторинг натижасида кафил-субъектнинг тўлов қобилияти ёмонлашганлиги, яъни сўнгги молиявий ҳисоботлари бўйича балансининг ноликвидлиги ёки зарар билан ишлаб келаётганлиги аниқланган тақдирда, ажратилган кредитнинг таъминотига бошқа таъминот тури расмийлаштирилади ёки у муддатидан олдин сўндирилади.

Кредитлар “Ипотека тўғрисида” ва “Гаров тўғрисида”ги Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 мартдаги ПФ-3047-сонли Фармонида асосан ликвидли мол-мулк, реал қимматликларни гаровга олган ҳолда ссудалар берилгунга қадар ҳамда кредитлаш жараёнида уларнинг мавжудлиги, яроқчилиги ва сақланганлиги жойида ўрганилиб, тегишли тартибда баҳоланганидан кейин берилди.

Гаров кредитни қайтаришнинг ягона манбаси бўлиб ҳисобланмайди. Кредитни қайтаришнинг асосий манбаси тадбиркорлик субъектларининг хўжалик фаолияти давомида олган молиявий даромадлари, жисмоний шахслар учун эса уларнинг меҳнат фаолияти давомида олган барча даромадлари ҳисобланади.

Қарз олувчилар томонидан гаровга қўйилаётган автотранспорт воситалари, ўзи юрак кишлок хўжалик техникаси бўйича “Ўздавлаттехназорат” инспекциясидан давлат рўйхатида турганлиги ва техниканинг мавжудлиги тўғрисида маълумотлар тақдим этилиши лозим.

Банк филиалларида кредитлар ажратилганидан сўнг қабул қилинган таъминотнинг жорий ҳолати, етарлилиги ва ликвидлилиги юзасидан мунтазам мониторинги бириктирилган кредит ходимлари томонидан олиб борилиши лозим.

Ушбу мониторинг натижаларини ва мавжуд кредит қарздорликни коплаш учун таъминотнинг етарлилигини, шунингдек жорий бозор ўзгаришларига мувофиқ қайта баҳолаш бўйича назорати юзасидан масъулият ҳамда жавобгарлик жойларда филиал бошқарувчиси, бошқарувчи ўринбосари ва тегишли кредит ходими, вилоят бошқармаларида вилоят бошқармаси бошлиги, бошликнинг ўринбосари ҳамда кредит таъминоти билан ишловчи мутахассислар, Марказий аппаратда эса Кредит таъминоти билан ишлаш бўлими бошлиги зиммаларига юклатилади.

Ажратилган кредитлар бўйича расмийлаштирилган таъминотнинг жорий ҳолатини мониторинги Марказий аппаратдаги Кредит таъминоти билан ишлаш бўлими томонидан амалга оширилади.

Ажратилаётган кредитлар бўйича (ипотека кредитлари бундан мустасно) гаровга олинган мулкнинг турига қараб кредит хажмининг гаров қийматига нисбати қуйидагилар билан тавсифланади:

<b>Мол-мулклар тури</b>	<b>Жорий баҳоларида</b>	<b>бозор</b>
Кўчмас мулклар	- 60 % гача	
Қурилиши тугалланмаган объектлар	- 40 % гача	
Транспорт воситалари (автотранспорт, ўзиюрар кишлок хўжалик техникаси, қурилиш машиналари ва х.к.з.)	60 % гача	
Асбоб-ускуналар (дастгохлар, қурилмалар, технологик линиялар, ўзи юрмайдиган кишлок хўжалик техникаси)	60 % гача	
Омбордаги товар моддий бойликлар	- 60 % гача	
Чет Эл кредит линиялари орқали олинган товар-моддий бойликлар	60 % гача	
Кимматбаҳо металллар ва тошлардан ясалган заргарлик буюмлар (лом нархида баҳоланган)	70% гача	
Ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқлари	- 60 % гача	
ДКК (Давлат Кимматли Қогозлари)	- 90 - 100 % гача	
Агробанкдаги нақд пул (депозитлар)	- 100 % гача	
Бошқа банклардаги нақд пул (депозитлар)	- 100 % гача	
“Қатта еттилик”қа аъзо давлатларнинг валюталари	- 100 % гача	
Сугурта компанияси ёки банк қарорлари	- 100 % гача	
Чорва моллари	- 60 % гача	

Кредит ҳисобидан сотиб олинаётган мол-мулклар гарови кредит таъминотида расмийлаштирилаётганда ушбу мулклар тури бўйича юқорида белгиланган фоиз салмоғида тавсифланади.

Чорва молларининг гарови кредит таъминоти сифатида расмийлаштирилганда мазкур чорва моллари қарз олувчи томонидан кредитдан фойдаланиш муддатига мажбурий тарзда сугурта қилиниши ва амалга оширилган сугурта тўловлари тўғрисидаги тегишли маълумотлар банкка тақдим этилиши шарт.

Қарз олувчилар томонидан гаровга тақлиф этиладиган мол-мулкларнинг баҳолалиши сўраладиган кредитлар суммасидан келиб чиққан ҳолда банкнинг Кредит таъминоти билан ишлаш бўлими ходимлари томонидан амалга оширилади.

Ушбу таъминотнинг баҳолалиши юзасидан тайёрланган ҳулосада гаровга тақлиф этилаётган мол-мулкларнинг махсус характеристикалари (мол-мулклар эгалари, ишлаб чиқариш (қурилиш) йиллари, жорий ҳолати, бозордаги реал қиймати, истикболда сотила олиши, сўралаётган кредит суммасига етарлилиги) ва баҳолаш жараёнида фойдаланилган маълумотлар манбалари аниқ белгиланиши лозим.

Гаровга олинаётган мулкларга нисбатан мулк ҳуқуқи амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилганидан кейингина улар Банк томонидан баҳолалиши мумкин.

Кредит таъминоти билан ишлаш бўлими ўзи баҳолаган нархда гаров мулкларининг ликвидлилиги учун жавобгар бўлиб ҳисобланади.

Зарурият тугилган пайтда ушбу бўлим томонидан қарз олувчининг гаровга бериладиган мол-мулклар қиймати юзасидан лицензияси мавжуд мустақил баҳоловчи компаниянинг ҳулосаси талаб қилиниши мумкин.

Кимматбаҳо металллар ва тошлардан ясалган заргарлик буюмлари кредит таъминоти сифатида расмийлаштирилаётганда уларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун ваколатли органларнинг ҳулосаси олиниши лозим.

Гаров сифатида кўйиладиган енгил ва юк транспорти воситаларининг бахоланишида уларнинг ишлаб чиқарилган йили ҳамда яроқлилик ҳолати ва сўралаётган кредит муддатига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Кредит таъминотларининг турига кўра такдим этиладиган ссудалар ҳажми куйидаги салмоқдан ошмаслиги шарт:

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги қафолати	- 100 % гача
Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки қафолати	- 100 % гача
Ўзбекистон Республикаси бошқа тижорат банклари ёки чет эл банклари қафолатлари	- 100 % гача
ДКК (Давлат Қимматли Қогозлари)	- 100% гача
Сугурта компаниясининг сугурта полиси	- 100 % гача
Банкга жалб этилган ёки бошқа банклардаги депозитлар	- 100 % гача
Банкга жалб этилган ёки бошқа банклардаги эркин айирбошланадиган валютадаги депозитлар	- 100 % гача
Қимматбаҳо металллар ва тошлардан ясалган заргарлик буюмлари	- 100 % гача
Кўчмас мулклар	- 80 % гача
Кўчар мулк ва бошқа транспорт воситалари	- 80 % гача
Мижоз ёки учинчи шахснинг товар-моддий захиралари	- 80 % гача
Учинчи шахс қафиллиги/қафолати	- 100 % гача
Чорва моллари	- 80 % гача

Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро қилиш тўғрисида»ги Қонунига асосан фуқароларнинг яшаши учун зарур бўлган ягона турар-жойлари ва уй жиҳозлари, шунингдек тез бузиладиган маҳсулотлар гаровга олинмайди (ипотека кредитлари бўйича расмийлаштирилаётган таъминот бундан мустасно).

Қишлоқ хўжалиқ маҳсулотининг бўлгуси йил ҳосили ва ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олиш Марказий Банкнинг 2004 йил 1 мартдаги «Тижорат банклари томонидан фермер хўжалиқларига бўлгуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби тўғрисида»ги 563-рақамли ва «Тижорат банклари томонидан фермер хўжалиқларини ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисида»ги 564-рақамли Низомлари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 июлдаги «Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги ПФ-3780-сонли Фармонига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 26 августдаги 21/2 сонли Қарорига мувофиқ кредит таъминоти сифатида олинган ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи ўрнатилган тартибда банкка ўтказилган ҳолларда ушбу ер участкаларига мулк ҳуқуқи банкка ўтган вақтдан бошлаб олти ойдан кечиктирмасдан сотувга қўйилиши лозим.

Ундирув гаров мулкларига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг “Гаров тўғрисида” ва “Ипотека тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда гаров ва ипотека шартномаси талабларига катъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 декабрдаги 422-сонли Қарорига асосан кредитор банк, қарздорнинг пул маблағлари етарли бўлмаган тақдирда, кредит бўйича қарздорликни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилган ва нотариал тасдиқланган ёзма битим асосида қарздорнинг ликвидли мол-мулки ҳисобига ёхуд ундирувни суд тартибда қарздорнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш йўли билан қайтаришга ҳақлидир.

Кредитор-банк ва қарз олувчи орасида кредит бўйича қарзни қарздорнинг ликвидли мол-мулки ҳисобига қайтариш тўғрисидаги ёзма битим кредит ҳамда фоиз тўловлари юзасидан қарз тўлик қайтарилгунга қадар тузилиши мумкин.

## **II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКИ ТОМОНИДАН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИНГ ОЛИБ БОРИЛИШИ ҲОЛАТИ.**

### **2.1. Жисмоний шахсларни кредитлаш амалиётининг олиб борилишида кредит портфелини шакллантириш хусусиятлари.**

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелдаги «Банклар ва банклар фаолияти тўғрисида»ги, 2006 йил 6 майдаги «Истеъмол кредити тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007 йил 18 июл куни 1697-сон билан рўйхатга олинган «Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисида»ги Низомлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларига мувофиқ истеъмол кредитлари ажратилади.

**Истеъмол кредити (молиявий)** – жисмоний шахсга (истеъмолчига) унинг истеъмол эҳтиёжларини қондириш мақсадида Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олиш учун бериладиган кредит.

**Қарз олувчи** – меҳнат қобилиятига лаёқатли, 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган (кредит муддатини ҳисобга олган ҳолда) доимий иш жойи ҳамда ўз фаолияти натижасидан олинadиган даромад ва бошқа расмий даромад манбаларига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси.

**Ёш оила** – фуқаролик ҳолатини рўйхатга олиш органларида никоҳлари рўйхатга олинган, ҳар иккаласи биринчи марта расмий никоҳда бўлган ҳамда ҳар бири 30 ёшдан ошмаган (30 ёшга тўлмаган), доимий иш жойига ҳамда ўз фаолияти натижасидан олинadиган даромадга ёки бошқа расмий даромад манбаларига эга бўлган оила.

**Юридик шахсларнинг ходимлари** – «Агробанк» филиаллари хизмат кўрсатувчи юридик шахсларнинг (бюджет ташкилотларидан ташқари) ишчи ходимлари ҳисобланувчи жисмоний шахслар.

Жисмоний шахсларга қуйидаги мақсадларда истеъмол кредити берилади:

- Маиший, аудио-видео ва бошқа оргтехника учун;
- Мебель ва интерьер жихозлари учун;
- Енгил автомашиналари учун;
- Уй-жойни таъмирлаш билан боғлиқ хизмат ва қурилиш материаллари учун;
- Даволаниш учун;
- Тўй маросимларини ўтказиш учун;
- Олий ўқув юртларининг қондузги бўлимида таълим олиш учун.

Истеъмол кредити - бу аҳолининг истеъмол талабларини қондиришга ёрдам берувчи кредитдир ва жумладан уй рўзғор буюмлари ҳисобланган радио-электрон ва маиший

асбоб-ускуналар, мебеллар, интерьер буюмлари, турар уй-жойларни таъмирлаш билан боғлиқ товарларни харид қилиш, автомашина сотиб олиш ва аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар (дам олиш ва даволаниш сиҳатгоҳларида), уяли телефон сотиб олиш ва хизмат кўрсатиш, тўй маросимларини ўтказишни (тўй ўтказилаётган жойнинг ҳисобрақамига пул ўтказиш йўли билан) кредитлаш учун берилади. Истеъмол кредитини бериш муддатлари ҳар бир банкнинг кредит сиёсатида аниқ белгиланади. (Ушбу муддатлар ўртасидаги фарқ мавжудлигини ҳисобга олиб, ҳар бир кредит турини таҳлил қилишда муддатлар масаласини кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ деб билдик)

Истеъмол кредитлари тижорат асосида қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик ва мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиш тамойилларига риоя қилинган тарзда шартнома асосида берилади.

Истеъмол кредити фақат балоғат ёшига етган ва муомала лаёқатига эга, доимий яшаш жойида рўйхатдан ўтган, шунингдек доимий иш ёки ўз фаолиятдан даромад оладиган кредитни қайтариш муддати келганда 65 ёшгача бўлган фуқораларга шартнома асосида берилади.

Ажратиладиган кредитлар бўйича меъёр энг кам иш ҳақининг 2500 бараваридан ошмаган миқдорда ўрнатилади ҳамда филиал кредит комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Жисмоний шахслар халқ хўжалиги молларининг бир неча турини битта ссуда ҳисоб рақами орқали расмийлаштириб олишлари мумкин.

Истеъмол кредитини бериш қарздорнинг шахсий ссуда ҳисоб варағида унинг топширигига кўра ҳисоблар, мол-юк хатлари ва бошқа ҳужжатлар асосида сотувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб варағига нақд пулсиз ҳисоб- китоб шаклида ўтказиш асосида амалга оширилади. Истеъмол кредитини нақд пулда бериш таъқиқланади. Истеъмол кредити фақат Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган истеъмол товарларини сотиб олиш учун берилади, импорт товарларни харид қилишга истеъмол кредитлари ажратилмайди.

Истеъмол кредитини минимал фоиз ставкаси тижорат банки Бошқаруви томонидан жалб қилинган ресурсларнинг таннархи, бозор конъюктураси, алоҳида кредит турларига бўлган талаб ва таклифлар ҳамда банкнинг олиши лозим бўлган маржасига қараб ўрнатилади. Ҳар бир миқдорга йиллик фоиз ставкаси филиал кредит комиссияси ва Банк кредит кўмитаси томонидан кредитни қай даражада таъминланганлиги, миқдорни ижобий кредит тарихи, тўловга лаёқатлилиги ва банк кассасига қўйилган жамғарма депозити миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Қарз олувчи томонидан сўралаётган кредит суммасининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги маблағларни нақд пул шаклида махсус жамғарма депозит ҳисоб рақамига қўйиши шарт ҳисобланади.

Қарз олувчи автомобил сотиб олиш учун мурожаат қилганда, бериладиган кредит суммасининг 60% дан кам бўлмаган миқдордаги нақд пул маблағини жамғарма депозит ҳисоб рақамига қўйиши лозим. Қарздорнинг жамғарма депозит ҳисоб рақамида турган омонати учун банкда ҳар бир омонатчига алоҳида 20406-“Жисмоний шахсларнинг жамғарма депозити”и ва унга ҳисобланган фоиз тўловлари бўйича алоҳида ҳисоб рақамлари очилади. Қарздор асосий қарзини қисман ёпиш ёки фоизлар тўловини амалга ошириш учун омонатга ҳисобланган фоизларни олиш ҳуқуқига эга. Лекин Қарздор барча қарзларини тўлаб бўлмагунга қадар омонат ҳисоб рақамидаги ҳамма пул маблағларини суммасини олиш ҳуқуқига эга эмас.

Қарздор асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизларни муддатидан олдин қайтарган тақдирда, махсус омонатидаги пул маблағлари ва унга ҳисобланган фоизларни муддатдан олдин қайтариб олиш ҳуқуқига эгадир.

Қарздор томонидан олинган кредитнинг асосий қарзини, яъни махсус омонатида турган маблағлардан фарқини ва унга ҳисобланган фоиз тўловлари тўлиқ миқдорида

қайтарилган ҳолатда, қарздор махсус омонатидаги маблағлар ҳисобидан кредитни қолган қисмини сўндириш ҳуқуқига эгадир.

Истеъмол кредити беришда кредит олувчининг тўловга лаёқатлилигини ҳисобга олинади. Ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларидан мажбурий тарзда ижро ҳужжатларига (суд қарори) асосан 20% чегириб қолиндиган шахсларга кредит берилмайди.

Кредит ва фоиз тўловларини шартномада қайд этилган миқдор ва муддатларда ўз вақтида тўламаслик ҳоллари содир этилса, ҳар бир кечикиб тўланган кун учун тўлов муддати ўтган асосий қарз ва фоиз тўловлари суммасидан 0,5 фоиз, лекин асосий қарзнинг 50% миқдорида ошмаган ҳолда жарима ундирилади.

Банк шартнома шартларига биноан ссуда ҳисобварағини, ҳамда кредит ва фоизларни сўндириш мақсадида қарздорга келиб тушадиган пул маблағларини ҳисобини олиш учун талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағини юритади.

Янги кредит фақат олдинги олинган кредитлар тўлиқ қайтарилгандан сўнг берилиши мумкин.

**Кредитларни расмийлаштириш ва бериш тартиби.** Банк бўлимнинг ваколатли ходими (кредит инспектори) миждоз банкга истеъмол кредити олиш учун мурожаат қилганда унга кредитни бериш тартиби ва шартлари тушунтирилади, кредит олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхатини тузади ҳамда миждоз билан кредит бериш шартларини келишиб олади.

Қарз олувчи томонидан кредит олиш учун банкка қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши шарт бўлган кредит буюртманомаси топширилади:

- қарз олувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорти шахсан кўрсатилади (банк паспорт нусхасини олиб кредит йиғма жилдига тикиб қўйиши лозим);

- яшаш жойи ва манзилидан, (махаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари-махалла кўмитаси ёки фуқоролар йиғини кенгаши, уй-жой мулкдорлар ширкатидан уй-жой фойдаланиш, барча оила аъзолари тўғрисида) маълумотнома;

- сўралаётган кредитнинг мақсади ва муддати;

Кредит буюртномасига қуйидагилар илова қилинади;

- миждоз тўғрисида маълумот (доимий иш жойидан иш ҳақи тўғрисида маълумотнома);

- иш жойидан маълумотнома (ҳақиқатда ушбу ташкилот ва корхонада ишлаши тўғрисида маълумотнома);

- оилавий даромади тўғрисида маълумотнома;

- оилани балоғатга етган ва ишга лаёқатли аъзоларидан ёзма равишда мулкни гаровга қўйиш тўғрисида нотариал идора томонидан тасдиқланган розилик хати (агар миждоз томонидан мулклар ёки кредитга олинаётган товар ва автомашина гаровга қўйилса);

- мўлжалланаётган товар харид қилиш тўғрисидаги маълумотлар (ҳисоб шартнома);

- кредит қайтарилишининг таъминоти.

Буюртма миждоз томонидан имзоланади ва санаси қўйилади.

Зарурий ҳолларда банк қарздорнинг тўловга лаёқатлилигига хулоса бериш жараёнида бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Буюртмани кўриб чиқиш пайтида қуйидагилар таҳлил қилиниши шарт;

- кредит сўралаётган мақсаднинг қонунийлиги;

- қарздорни иш жойи ва яшаш жойи тургунлиги бўйича (20-Илова);

- иш ҳақининг ҳажми ва бошқа даромадлар манбаини барқарорлигини;

- маълумотларнинг ўзаро мувофиқлиги, яъни кредит буюртмасида кўрсатилган барча маълумотлар ва бошқа ахборот манбаларидан олинган маълумотларнинг ўзаро мос келиши;

- кредит қайтарилиш истиқболининг ишончлилиги;

- кредит тарихи.

Хужжатларнинг барчаси тақдим этилгандан сўнг, банк уларни 3 банк иш кунида миқдорнинг тўловга лаёқатлилиги таҳлили асосида кўриб чиқади. Тўловга лаёқатлилигини баҳолашда “Кредит скоринги” балли тизимидан фойдаланилади. Баъзи ҳолларда тақдим этилган маълумотларни қўшимча текшириш зарурияти вужудга келган тақдирда банк томонидан аризаларни кўриб чиқиш муддати узайтирилиши мумкин.

Қарз олувчининг тўловга лаёқатлилиги ижобий баҳолашиб, кредитни расмийлаштириш жараёнида миқдор банкка кредитни қайтарилишини таъминловчи воситалардан бири ҳамда кредитлаш объектига қараб қуйидагиларни тақдим этади:

- сотувчининг талаб қилиб олинган депозит ҳисоб рақами ва товарларни сотиб олиш учун шартнома ҳамда нархи тўғрисида маълумотлар;

- сихатгоҳларда даволаш нархлари тўғрисида маълумотлар.

Кредит бўлими инспектори хужжатларни таҳлил қилиб, натижалари бўйича ўз ҳулосасини банк филиали кредит комиссиясига кўриб чиқиш учун беради.

Кредит комиссиясининг ижобий қароридан кейин банк ва қарздор ўртасида икки нусхада кредит шартномаси тузилади. Шартноманинг бир нусхаси қарз олувчига берилади, иккинчиси банкда қолади. Шартноманинг ҳар бир нусхаси тенг юридик кучга эгадир. Кредит қайтмаслик хатарини олдини олиш учун тақдим этилган таъминот воситаси тегишли тарзда тўлиқ расмийлаштирилгандан сўнг кредит шартномаси кучга киради.

Кредит шартномасида қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

- миқдорнинг исми, шарифи, отасининг исми ва банкнинг тўлиқ номи, уларнинг почта манзиллари;

- кредитни берилиш мақсади;

- кредит суммаси, қайтарилиш муддати ва тартиби;

- қайтарилиш манбалари ва таъминот шакллари (агар бўлса)

- кредит учун фоизлар ҳисоблаш ва тўлаш тартиби;

- ўзаро мажбуриятлар ва томонларнинг шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда жавобгарликлари;

- шартнома шартлари бажарилмаган ҳолларда қўлланиладиган таъсир чоралари;

- кредитдан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш усуллари ва мақсадсиз ишлатилганлиги аниқланган ҳолларда қўлланиладиган жазо чоралари;

- шартноманинг амал қилиш муддати ва унинг бекор қилиш шартлари;

- томонлар имзоси ва банк муҳри.

Кредит шартномаси тузилгандан кейин 3 банк иш кунида олинаётган кредит объекти суммасининг 100% миқдоридаги пул маблағлари сотувчининг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

Истеъмол мақсадлари ва автотранспорт воситаларини сотиб олишни кредитлашда ссуда ҳисоб варақалари орқали пул маблағлари ўтказилиб, кредит объектлари сотиб олингандан сўнг, қарздор 10 банк иш кунида барча кўрсатилган хизматлар ва сотиб олинган товарларни тасдиқловчи хужжатларини (накладной) банкка тақдим этиши шартдир.

Товар сифати, унинг бутлиги ва етказиб бериш масалалари бўйича барча саволларга қарз олувчи тўғридан-тўғри кредит объектини етказиб берувчи корхонага мурожаат қилади.

Банк берилган истеъмол кредитини мақсадли ишлатилганлигини назорат қилиш мақсадида олинган кредит объектини тасдиқловчи хужжатлар, савдо ташкилотининг муҳри, сотилиш муддати қўйилган товар хужжатларини тақдим (накладной, техпаспорт ва х.к) этади. Агар тақдим этилган хужжатлар бўйича шубҳа пайдо бўлса жойига чиқиб текширилади. Миқдор томонидан кредит бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги аниқланса у ҳолда банк кредитнинг тегишли қисмини муддатидан олдин қайтариб олиш, гаровга олинган мол-мулк ёки кредит қайтарилиши таъминотининг бошқа шаклларига ўз

хуқуқини қаратиб, қонунчиликда белгиланган тартибда ўз хуқуқини талаб қилиши мумкин.

**Кредит таъминотиға қўйилган талаблар.** Олинган кредитни қайтмаслик хатарининг олдини олиш мақсадида тез ва эркин сотиш талабларига жавоб берадиган ликвидли воситалар таъминот сифатида олиниши керак. Қарз олувчи банкка қуйидаги таъминот турларидан бирини тақдим этиши мумкин:

- қарз олувчининг депозит ва қимматли қоғозлари жойлаштирилган банк ёки бошқа банкнинг кафолати;

- Ўздавлатсуғуртаназорат лицензиясига эга бўлган суғурта компаниялари томонидан қарз олувчини кредитини қайтара олмаслик хатарини олдини олиш тўғрисида суғурта полиси, бундай ҳолатларда банк суғурта компаниясини тўловга қобилиятлилигини ўрганади, суғурта тўловлари ссуда олувчи томонидан тўланади ва олинган кредит ҳисобидан суғурта тўловини амалга оширишга рухсат этилмайди;

- учинчи шахсларнинг кафиллиги, бундай ҳолатда банк кафил бўлаётган ташкилотнинг тўловга лаёқатлилиги яъни берилган ссуда ва фоиз тўловларини тўлаб бера олишини ўрганади;

- қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулклар гарови. Мол-мулк гаров сифатида олиниши мумкин: кўчар ва кўчмас мулк (хонадон, уй ва ер майдонидан ташқари); қимматбаҳо металл ва тошлар; қимматли қоғозлар (тижорат банкининг қимматли қоғозларидан ташқари); валюта қимматликлари; қарз олувчининг шахсий қимматбаҳо мулклари;

- автомашиналарни сотиб олиш учун бериладиган кредитларга сотиб олинаётган объект қийматининг 50% ва ундан юқори миқдорида махсус омонатиға қўйиладиган пул маблағлари ҳамда кредитга олинаётган автомашина қийматидан махсус омонатиға қўйилган пул маблағларини чегириб ташлангандан сўнг қолган автомашина қийматини 120%ға баҳоланиб, таъминот сифатида олинади.

- бундан ташқари кредит қўмитасининг қарорига асосан автомашиналарни сотиб олиш учун бериладиган кредитларга бошқа таъминот турлари олиниши мумкин.

Гаровни баҳолаш ва расмийлаштириш, шу билан биргаликда гаров шартномасини амалдаги қонунчилик асосида нотариал идоралар томонидан рўйхатдан ўтказиш шартдир.

Кредит шартномасини расмийлаштириш жараёнида у билан бир вақтнинг ўзида олинаётган таъминот турларига қараб, кафиллик шартномаси, гаров шартномаси ёки қимматли қоғозлар шартномаси расмийлаштирилади.

Қарздор томонидан асосий қарз ва фоиз тўловлари белгиланган муддат ва миқдорларда тўламаган тақдирда банк таъминот туриға қараб, суғурта компанияси ёки кафилни бу ҳақда огоҳ этади.

60 кун ичида қарздор, суғурта компанияси ёки кафил бўлганлар томонидан тўловлар амалга оширилмаса ва бунинг натижасида асосий қарз ва фоиз тўловлари муддати ўтган ҳисоб-рақамиға чиқарилган ҳолларда банк асосий қарз, фоизлар ва жарималарни ундириш бўйича суғурта компанияси ёки кафил бўлувчиға талабнома тақдим этади (суғурта шартномаси ва кафиллик шартномаларига асосан) ёки гаровға қўйилган мол-мулкни реализация қилади (гаров шартномасиға асосан).

Қарздор томонидан тўланмаган маблағларни суғурта компанияси ёки кафиллик берувчи шахс (суғурта шартномаси ва кафиллик шартномаларига асосан) тўлаб бергандан кейин, қарздор томонидан маблағлар қайтарилса у ҳолда ушбу суммалар тўғридан-тўғри суғурта компанияси ёки кафиллик берувчи шахс ҳисобига ўтказиб берилади.

Суғурта компанияси ёки кафиллик берувчи шахслар томонидан кредит шартномасида кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажаргандан сўнг кафил шахслар қарздордан тўланган маблағлар учун талабнома тақдим этиши мумкин.

**Кредит ва фоизларни қайтариш тартиби.** Берилган кредитлар учун фоизлар Марказий банкнинг Адлия вазирлигида 2004 йил 30 январдаги “Тижорат банкларида

фоизларни ҳисоблаш тўғрисида”ги 1306-сонли Низомига асосан, миждоз билан шартномада келишилган фоиз ставкаси асосида ҳар куни ҳисобланиб, фоиз тўловлари ссуда ҳисоб рақамидаги қолдиқдан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Қарздор томонидан асосий қарз ва фоиз тўловлари ҳар ойнинг 25 санасигача тўланади. Асосий қарз бўйича тўловлар ссуда ҳисоб рақамидаги қолдигидан ажратилган кредит миқдорининг омонатга қўйилган маблағдан қолган миқдори тенг улушларда камайиб бориши ҳисобидан тўлаб борилади. Асосий қарздан омонатга қўйилган маблағга қўйилган суммага тенг қисми қолғач, ушбу қолган қисми махсус омонатидаги маблағлар ҳисобидан қопланади. Агар кредит ва унга ҳисобланган фоиз тўловлари ўз вақтида тўланмаган ҳолда кредит муддати ўтган ҳисобланади ва тегишли бухгалтерия ҳисоб рақамларига ўтказилади.

**Мисол учун:** миждоз томонидан 600000 сўм миқдорида кредит олинган, махсус омонатига ушбу кредитнинг 20% миқдорида, яъни 120000 сўм маблағ қўйилган. Кредит учун белгиланган фоиз ставкаси 18% йиллик, махсус омонати учун белгиланган фоиз ставкаси 3% йиллик. Кредитнинг муддати 1 йил. Кредит бўйича ҳисоб китоблар қуйидаги жадвал орқали аниқланади:

№	Давр (ойлар)	Кредит миқдори	Қайтарилад и-ган асосий қарз суммаси	Кредитга ҳисоблан-ган фоиз суммаси (18%)	Ой давомида қайтарилади ган жами сумма	Омонатга қўйилган маблағ суммаси	Омонатга ҳисоблан-ган фоиз суммаси (3%)	Миждоз томонидан тўланади-ган сумма
1		600 000	40 000	9 000	49 000	120 000	300	48 700
2		560 000	40 000	8 400	48 400	120 000	300	48 100
3		520 000	40 000	7 800	47 800	120 000	300	47 500
4		480 000	40 000	7 200	47 200	120 000	300	46 900
5		440 000	40 000	6 600	46 600	120 000	300	46 300
6		400 000	40 000	6 000	46 000	120 000	300	45 700
7		360 000	40 000	5 400	45 400	120 000	300	45 100
8		320 000	40 000	4 800	44 800	120 000	300	44 500
9		280 000	40 000	4 200	44 200	120 000	300	43 900
10		240 000	40 000	3 600	43 600	120 000	300	43 300
11		200 000	40 000	3 000	43 000	120 000	300	42 700
12		160 000	40 000	2 400	42 400	120 000	300	42 100
	<b>ЖАМИ</b>		<b>480 000</b>	<b>68 400</b>	<b>548 400</b>		<b>3 600</b>	<b>544 800</b>

Худди шунга ўхшаш бошқа миқдордаги ва бошқа муддатдаги кредитлар учун ҳисоб-китоб қилинади.

Банк асосий қарз суммаси ёки уни фоизи 60 кун ва ундан ортиқ муддатга тўланмаган тақдирда 1-йилгача бўлган муддатга берилган кредитлар учун фоиз тўловларини ҳисоблашни тўхтатади, яхши таъминланган ҳамда тикланиш жараёнидаги кредитлар бундан мустаснодир. Мазкур кредитларга Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Адлия вазирлигида 2004 йил 1 январда 1304-сон билан рўйхатга олинган “Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида”ги Низомига асосан банк “ўстирмаслик” мақомини беради.

Асосий қарз ва фоиз тўловлари ҳар ойда кредит шартномасининг таркибий қисми бўлган кредитни қайтариш жадвали асосида нақд пул ва нақд пулсиз кўчириш йўли билан амалга оширилади. Асосий қарзни қайтариш жараёнида банк қарздорга 6 ойгача бўлган муддатга имтиёзли давр ўрнатиши мумкин.

Истеъмол кредитини қайтаришни асосий манбаи қарз олувчининг даромади ҳисобланади. Миждоз томонидан асосий қарз ва фоиз тўловлари банк кассасига умумий сумманинг ҳаммаси бир вақтнинг ўзида ёки қисман ҳар ой иш ҳақидан пул ўтказиш йўли

билан ёки қарздорнинг депозит ҳисоб рақамидан унинг ссуда ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан шартномага асосан қайтарилиши мумкин.

Муддати ўтган қардорликлар пайдо бўлиши муносабати билан банк кредит субъектини хабардор қилиши шарт.

Мажбурий тўловлар 2 ой давомида тўламаган ҳолларда банк:

- суғурта компанияси ҳисоб рақамидан муддати ўтган ссуда қарзи, фоиз ва жарималарни ундириб олади;

- Ўзбекистон Республикасининг “Гаров тўғрисида”ги қонунига мувофиқ гаровга олинган мол-мулкларни реализация қилади;

- Кафолатчи ёки кафилдан акцептсиз тартибда шартномага асосан муддати ўтган қарз, фоиз ва жарималар ундириб олинади.

Кредит қайтадан муддати ўтган ҳисоб рақамига чиққан ҳолларда, банк миқдорнинг депозит жамғармасидаги маблағларидан ундириб, суғурта компанияси ёки кафолат берувчига муддати ўтган ссуда қарздорлиги, ҳисобланган фоизи ва жарималар суммаси ва қарзнинг қолган қисми тўлаб бериш учун талабнома тақдим этади.

Қарздорнинг кафолатловчи ташкилоти қайта ташкил қилинса унинг ворисларидан қайта кафиллик олиниши ёки тугатилганда янги таъминот турларини тақдим этиши керак.

Ўзбекистон Республикаси “Меҳнат Кодекси”нинг 106-моддасига асосан тарафларнинг хоҳиш ва иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолларда ёки раҳбариятнинг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда, банк қисқа муддат ичида кредитни миқдорнинг жамғарма депозитидаги маблағлари ҳисобидан ёпади. Агар миқдорнинг ўзининг маблағлари ҳисобидан кредитни ёпиш учун маблағлар етмаса Кафолат берувчидан ссуда қарздорлиги, фоизлари ва жарималарини (агар бўлса) ундириб олади ва кредит шартномасини бекор қилиб, ссуда ҳисоб рақами ёпилади.

Қарздор томонидан кредит олиш учун қалбаки ҳужжатлар тақдим этилганда банк бир томонлама кредит шартномасини бекор қилиб, асосий қарз, фоизи ва жаримасини (агар кўзда тутилган бўлса) муддатидан олдин миқдорнинг жамғарма депозит ҳисоб рақамидан акцептсиз тартибда ёки гаров предметини, бошқа олинган таъминот турларини, реализация қилиш орқали муддатидан олдин қайтариб олади.

Кредит шартномасида кўрсатилган муддатда объектив сабабларга кўра кредит қайтарилмаган бўлса филиал кредит комиссиясининг қарорига кўра кредитни қайтариш муддатини 1 йилдан ортиқ бўлмаган даврга ўзайтириши мумкин, лекин қарз маблағларидан фойдаланиш даври 5 йил муддатдан ортиқ бўлмаслиги керак.

**Берилаётган кредитларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби.** Ушбу кредитларнинг ҳисоб-китоби Марказий банкнинг Адлия Вазирлигида 2004 йил 13 августда 773-17-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси” асосида олиб борилади.

Берилган кредитнинг аналитик ҳисоби ҳар бир миқдор учун очилган алоҳида ссуда ҳисобварақларида олиб борилади.

## **2.2 Тижорат банки кредит портфелининг (жисмоний шахсларни кредитлаш соҳасида) таҳлили**

2008 давомида ОАТБ «Агробанк» («Пахтабанк») Самарқанд вилоят бошқармасининг барча манбалар ҳисобидан жами кредит қуйилмалари миқдори 6 952,6 млн. сўмни ташкил этди ва ва ўтган йилга нисбатан 4 097 млн. сўмга ёки 2,4 баробарга ошган.

Ушбу кредит қуйилмаларининг тармоқлар бўйича жойланилиши куйидагича:

№	Тармоқ номи	Қуйилма миқдори (млн.сўм)	салмоқ (% ларда)
1	Саноат соҳаси	2 686,6	38,6
2	Қишлоқ хўжалиги корхоналарига	2 808,1	40,4
3	Қурилиш ва маиший хизмат	743,4	10,7

	кўрсатиш соҳаси		
4	Айланма маблағларни тўлдириш ва бошқа мақсадларга	714,3	10,3
5	Жами	6 952,5	100,0

Гачи жами кредит қуйилмалари ҳамда уларнинг тармоқлар бўйича жойлашувининг динамик ўзгариши нўқтаи назаридан таҳлил қиладиган бўлсак, бошқарма ўз кредит қуйилмаларини иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларига йўналтираётганлиги ва реал ишлаб чиқариш соҳасини қўллаб – қувватлаётганлиги ҳамда Республика Президенти томонидан банк соҳаси олдиға қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажарилишини таъминлаш юзасидан фаол ишлар олиб бораётганлигининг гувоҳи бўламиз.

№	Тармоқ номи	Кредит миқдори (млн.сўм)		ўзгаришлар	
		2007 йил	2008 йил	абсолют ўсиш	нисбий ўсиш
1	Саноат соҳаси	1 103,6	2 686,6	1583,0	243,4
2	Қишлоқ хўжалиги корхоналарига	1153,5	2 808,1	1655,4	243,4
3	Қурилиш ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаси	305,4	743,4	438,0	243,5
4	Айланма маблағларни тўлдириш ва бошқа мақсадларга	293,4	714,3	421,0	243,5
	Жами	2 856,0	6 952,5	4097,0	243,4

2007 йилда ажратилган жами кредитлар ҳисобига 181 та янги иш ўринлари ташкил қилинган бўлса, 2008 йил давомида банк кредитлари ҳисобига 2875 янги иш ўринлари ташкил этилган.

**Қисқа муддатли кредит кредит портфели.** 2008 йилнинг 9 ойи давомида Бошқарма тасарруфидаги филиаллар томонидан 126 савдо ташкилотига 2,9 млрд. сўм миқдоридаги кредит ажратилган. Савдо тушуми сифатида банк кассаларига шу даврда 20,7 млрд. сўм миқдоридаги нақд пул маблағлари келиб тушган.

2008 йилнинг 1 октябри ҳолатига аҳолиға 4,3 млрд. сўм миқдорда истеъмол кредитлари ажратилган ёки ўрнатилган режа 106% га бажарилган. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги ПФ – 3878 «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб қўвватлашға доир қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида» ги Фармонининг ижросини таъминлаш учун 2008 йил давомида 605,8 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилган ва белгиланган режа 111,2% га бажарилган.

Аҳолининг истеъмол товарлари ва озиқ – овқат махсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида банк томонидан савдо дўконларини қуриш ва уларни таъмирлаш учун кредит ресурслари ажратилиб борилган. Жумладан, 21 савдо дўконини қуриш учун 286 млн. сўм, 13 дўконни таъмирлаш учун 111,5 млн. сўм кредитлар ажратилган. Улардан 27 тасида банк терминаллари ўрнатилган бўлиб, амалға оширилган савдо айланмаси 63,4 млн сўмни ташкил қилган. Ушбу савдо дўконлари томонидан 2008 йилнинг декабр ойида амалға оширилган махсулот айланмаси мос равишда 226 млн. сўм ва 386,7 млн. сўмға тенг бўлган. Банк кассаларига 580,8 млн. сўм нақд савдо тушуми топширилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги 318 «Олий ўқув юртларида тўлов – контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида» ги қарори асосида 332 талабаға кредитлар ажратилган бўлиб, кредит қолдиғи 180,7 млн. сўм (2008 йил 1 октябри ҳолатига) га тенг.

**Қилоқ хўжалигини кредитлаш амалиёти.** 2008 йил давомида қишлоқ хўжалиги корхоналарига турли русумдаги тракторлар, уларға тиркамалар ва эҳтиёт қисмлар олиб келиш учун 2500 млн. сўмдан кўпроқ миқдорда кредит маблағлари ажратилган. Бундан

ташқари бошқарма томонидан қишлоқ хўжалиги техникасини мавсумга тайёрлаш учун «Агромашсервис» бирлашмасига 3500 млн. сўмлик кредит ва факторинг хизматлари кўрсатилган. Шу билан бир қаторда 165 та муқобил машина техника паркларига 850,0 млн сўмлик кредит эҳтиёт қисмларни сотиб олиш учун берилган.

ОАТБ «Агробанк» олдига қўйилган асосий вазифалардан бири давлат буюртмаси асосида тайёрланадиган қишлоқ хўжалиги махсулотлари қийматининг 60% гача миқдорини аванслаш учун ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланишини таъминлаш, хўжаликлар ва тайёрлов ташкилотлари ўртасидаги контрактация шартномалари бўйича ҳисоб – китобларни кечиктирмасдан амалга оширишдан иборатдир. Хўжаликлар томонидан тақдим қилинган агротехник тадбирларнинг ойлар бўйича меъёрларидан келиб чиққан ҳолда 2008 йил ғалла ва пахта ҳосилини молиялаштириш учун 30,5 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилган. Ажратилган имтиёзли кредитлар қуйидаги мақсадларга йўналтирилган:

№	Агротехник тадбир йўналиши	кредит суммаси (млн. сўм)
1	Иш ҳақи	3075,0
2	Менерал ўғит	10466,7
3	Ўсимликларни ҳимояси воситалари	956,0
4	МТП ва муқобил МТП хизматлари ҳақи	4062,6
5	Хўжаликлар ихтиёридаги техника харажатлари	938,1
6	Лизинг тўловлари	307,0
7	Нефт махсулотлари учун тўловлар	5964,4
8	Электр энергияси учун тўловлар	654,5
9	Уруғлик чигит сотиб олиш	2320,9
10	Сув учун тўловлар	255,0
11	Суғурта тўловлари	422,2
12	Ер солиғи тўловлар	568,2
13	Бошқа харажатлар	559,5

Банк фаолиятининг асосий кўрсаткичлари. 2009 йилнинг 1 январи ҳолатига бошқарманинг жамланма капитали 13163,3 млн. сўмга тенг бўлиб, фақатгина 2008 йилнинг 4 чораги давомида 370,7 млн. сўмга кўпайган. Жамланма капиталнинг структураси қуйидагича ҳолатда бўлган:

(млн. сўмда)

№	Капитал элементлари	01.10.2008 й.	01.01.2009 й.	ўсиш суръати
1	устав капитали	4489,6	4489,6	-
2	қўшимча капитал	124,7	124,7	-
3	заҳира капитали	5563,3	6333,1	113,8
4	тақсимланмаган фойда	1830,1	2215,9	121,1
	жами	12792,6	13163,3	102,9

Банк капиталининг кўпайиши тақсимланмаган фойда ҳамда заҳира капиталига ажратмалар ҳисобига бўлган.

2009 йил 1 январи ҳолатига банк мажбуриятлари 69871 млн. сўмни ташкил қилиб, шундан миқдорларнинг ҳисобрақамларининг қолдиғи 42083,5 млн. сўмга шу жумладан талаб қилиб олгунча мажбуриятлар 10742 млн. сўмга тенг бўлган. Аҳолининг банкдаги муддатли ва жамғарма омонатлари қолдиғи 13738,7 млн. сўмга етди.

Банк активлари 83035 млн. сўмни ташкил қилган бўлиб, шундан юқори ликвидли активлар 10814 млн. сўмни ёки баланс валютасининг 13% ни ташкил қилган. Юқори

ликвидли активлар таркибида кассадаги нақд пуллар – 1800,9 млн. сўмни, вакиллик хисоварақлари қолдиғи 8908,7 млн. сўмга тенг бўлган.

Шу санага банкнинг даромад келтирадиган активлари (брутто) 65305,9 млн. сўмни (ёки жами активларнинг 78,6%) ташкил қилиб, шундан даромад келтирадиган ссуда активлари 59692,1 млн. сўмга тенг бўлган. даромад келтирмайдиган активларнинг ҳажми 17729,1 млн. сўмга тенг бўлиб, унинг салмоғи 21,4% га тенг бўлган.

Банк бошқармаси томонидан 2008 йилда жами 13239 млн. сўм миқдорда даромад олинган бўлиб, шундан фоизли даромадлар 6952,7 млн. сўмни фоизсиз а бошқа операцион даромадлар 6286,3 млн. сўмга тенг бўлган. Жами харажатлар 11431,1 млн. сўмга тенг бўлиб, шундан фоизли харажатлар 3607,6 млн. сўмнифоизсиз ва бошқа операцион харажатлар 7823,5 млн сўмни ташкил қилган. Соф фойда 1367,1 млн. сўмга тенг бўлган.

Жалб қилинган кредит ресурслари бўйича йиллик ўртача фоиз ставкаси 8,4% ни ташкил қилиб, банкнинг ссуда маржаси 2,6% га тенг бўлган.

Банк жами активларининг фойдалилик даражаси 2,5% ни, ссуда активларининг фойдалилик даражаси 3,5% ни, даромад келтирувчи активларнинг фойдалилик даражаси 3,2% ни ташкил қилган бу эса банк активлари ҳам миқдор ҳам сифат жаҳатдан нормал ҳолатга келтирилган.

Банк жамланма капиталининг рентабеллик даражаси13,7% ни ва устав капиталининг рентабеллик даражаси 40,3 фоизни ташкил қилган.

Марказий банк томонидан банк омонатчилари ва кредиторларининг манфаатларини химоя қилиш мақсадида тижорат банкларига қўйилга иқтисодий нормалар ҳам белгиланган даражада бўлиши таъминланди. Жумладан,мижозлар олдидаги мажбуриятлар ўз вақтида тўлиқ бажара олишни таснифловчи кўрсаткич – ликвидлилик 86,3% (норма 30%) даражада бўлишига эришилди.

Капиталнинг етарлилик даражаси 17,2% (минимал 10%), 1 – даражали капиталнинг етарлилик даражаси 14,7 (минимал 5%) Леверезж коэффициенти 12,7% (минимал 6%) ни ташкил қилган.

### ОАТБ "Пахтабанк"да Самарканд вилоят бошқармаси активлари структураси 2009 йил 1 январ ҳолатига

(минг сумда)

	Булимлар номи	Жами активлар	Шу жумладан			
			Даромад келтирмайдиган активлар	Активларга нисбатан %	Даромад келтирадиган активлар	Активларга нисбатан %
1	2	3	4	5	6	7
1	Лоиш	3 996 195.9	464 812.0	12	3 531 383.9	88
2	Октош	4 074 906.3	815 633.6	20	3 259 272.7	80
3	Жомбой	4 811 122.8	461 094.8	10	4 350 028.0	90
4	Жума	5 132 619.6	1 360 071.9	26	3 772 547.7	74
5	Пайшанба	5 394 750.9	1 223 416.9	23	4 171 334.0	77
6	Шахар бошқарма	17 414 683.4	3 394 400.4	19	14 020 283.0	81
7	Сиеб	5 763 116.0	389 440.7	7	5 373 675.3	93
8	Булунгур	2 012 145.5	602 969.8	30	1 409 175.6	70
9	Нурабод	2 210 851.1	436 763.8	20	1 774 087.3	80
10	Пайарик	3 271 434.1	621 823.9	19	2 649 610.2	81
11	Зиадин	4 241 936.2	1 523 906.3	36	2 718 029.9	64
12	Ургут	4 379 299.1	1 380 271.1	32	2 999 028.1	68

13	Гузалкент	1 969 686.6	239 896.7	12	1 729 789.9	88
14	Иштихон	4 274 336.8	461 833.8	11	3 812 503.0	89
15	Кушрабод	2 059 246.9	1 008 857.7	49	1 050 389.2	51
16	Каттакургон	4 069 812.0	582 741.5	14	3 487 070.5	86
17	Челак	3 645 201.2	1 433 337.7	39	2 211 863.5	61
18	Тайлок	2 803 776.6	839 957.2	30	1 963 819.4	70
19	Гулобод	1 509 923.7	487 914.3	32	1 022 009.4	68
	<b>Ж А М И</b>	<b>83 035 044.8</b>	<b>17 729 144.2</b>	<b>21</b>	<b>65 305 900.6</b>	<b>79</b>

### III БОБ. КРЕДИТ СИЁСАТИНИ СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.

#### 3.1 Банк кредит сиёсатини стратегик ривожлантириш йўналишлари

Банк молиявий стратегиясида кредит сиёсатининг тутган ўрни ва роли банкнинг «кредит муассасаси» сифатидаги ихтиослашуви билан белгиланади. Европанинг биринчи банклари 12 – 13 асрларда судхўрлик уйлари замирида пайдо бўлган ва улар учун устувор бўлган йўналишни - ссуда беришни сақлаб қолишди. Банк фаолиятини ташкил қилишга илмий ёндашувларнинг шаклланиши пайтида кредит фаолияти стратегик бошқарувнинг биринчи объектларидан бири бўлган. **Бунда бошқарувнинг бош мақсади аниқланган – ссуда портфелининг (ссуда портфели – ҳисоб даврида банк томонидан берилган ссудалар жамланмаси) даромадлилиги ва ишончлилиги ўртасидаги самарали нисбатнинг таъминланишидир.** Молиявий бошқарувнинг ўзга йўналишларидек, ушбу нисбат индивидуал характерга эга, яъни фаолиятнинг ташқи ва ички шароити ҳисобга олинган тарзда кредит ташкилоти мутахассислари томонидан аниқланади. Кредит сиёсатини бевосита шакллантириш ва амалий бажарилиши устидан назорат ўрнатиш банк кредит комитетининг икки базавий функцияларидан биридир.

**Кредит сиёсатини шакллантирилиши пайтида ссуда капитали бозорининг мамлакатимизга хос хусусиятлари эътиборга олиниши зарур:**

- банкларнинг кредит хизматларига бўлган тўловга қобил талаб структураси, хориж банклари учун аъъанавий бўлган ссуда портфели қисмлари ўртасидаги пропорцияларга қаратилиши имкониятини бермайди;

- банкларимиз кредит сиёсатига хос бўлган хусусиятлардан бири, асосий эътибор ссудаларнинг таъминланганлиги принципига қаратилиши;

- кредит портфелини шакллантириш учун фойдаланиладиган «ишлаётган» активлар салмоғи хориж банкларига нисбатан анча кам.

Банк молиявий стратегиясининг ўзга йўналишлари каби, кредит сиёсати ҳам қатор стратегик устуворликларни акс эттириши лозим.

**Биринчи ёндашув** ссуда портфелининг устуворлиги даражасини аниқлаш билан боғлиқ.

Бунда ссуда капитали бозорида банк ишлатишни мўлжаллаётган «ишлаётган» активлар салмоғи устувор даражада бўлиши назарда тутилади. Табиийки, банк хизматлари бозорининг тегили сегментларида конъюктуранинг жиддий ва узоқ муддатли ўзгаришлари пайтида олдиндан аниқланган пропорциялар тезкорлик билан қайта кўриб чиқилиши зарур. Аммо, баъзи банкларда шаклланган аъъаналардан фарқли равишда, бу масала банк олий раҳбарияти томонидан «ишчи тартибда» ҳал қилиниши керак эмас. Бундай амалиёт лимитларни қайта кўриб чиқилишидан манфаатдор бўлган бизнес – бўлинмалар раҳбарлари томонидан олий инстанцияларни ўхшаш қарорларни қабул қилишга «йўналтириш» йўлидаги ҳатти – ҳаракатларига сабабчи бўлади. Натижада банкнинг актив операцияларини бошқариш барча учун мажбурий бўлган стратегиялар асосида эмас, балки одатда субъектив омилларга (масалан, банк Бошқаруви раиси ва тегишли

бўлинмалар раҳбарлари ўртасидаги шахсий муносабатлар) асосланган тактик қарорларга биноан олиб борилади. Шунинг учун молиявий лимитлар сиёсатида кўзда тутилган пропорциялар тегишли хужжатларда расмийлаштирилган тартибда, маркетинглардан олинган маълумотларнинг банк Бошқаруви мажлисида кўриб чиқилгандан сўнггина ўзгартирилиши мумкин.

*Изоҳ: маркетинг хизматининг асосий вазифаси тегишли бозорлар конъюктурасининг эҳтимолий ўзгаришини башоратлашдан иборат.*

Лимитларни қайта кўриб чиқиш юзасидан қарор қабул қилингандан сўнг банкнинг ички регламентларига зарурий ўзгартиришлар киритилади. Тегишли маълумотлар марказлашган молия хизмати ва барча манфаатдор бизнес – бўлинмаларга етказилади. Бунда кредит портфели умумий лимитининг ўзгаришида ҳисобга олинган бош критерий бошқа активларга нисбатан портфелнинг режадаги ва ҳақиқий даромадлиги даражаси бўлади.

**Иккинчи ёндашув** кредит портфели ва унинг асосий элементларининг ўртача даромадлигини аниқлаш билан боғлиқ. Банк активларининг барча элементларига кўйилган асосий талаб уларнинг даромадлилик даражасининг таъминланишига кўйилади (яъни, жойлаштирилган маблағлар бўйича фоиз даромадлари жалб қилинган маблағлар бўйича фоиз харажатларидан кўп бўлишига). Активларнинг ўртача даромадлилик даражаси юқорида кўриб чиқилган фоиз сиёсати доирасида аниқланади. Банк олий раҳбарияти маркетингларнинг берган прогнозлари асосида ва манфаатдор бизнес – бўлинмалар фикрини инобатга олган ҳолда стратегик характердаги қарорларни қабул қилади. Кредит сиёсатининг вазифаларидан бири ушуб қарорларнинг амалиётга жорий қилинишидир, бу эса кредит операциялари алоҳида турларининг (яъни, портфелнинг базавий элементлари) даромадлилик даражасига қараб ссуда портфелининг дифференцияланишини талаб қилади.

Банк ишида молиявий бошқарув назарияси юқоридаги хусусиятга кўра кредит операцияларини квалификациялашга умумий ёндашувларни аниқлаб беради. Унга мос тарзда барча операциялар уч гуруҳга бўлинади:

- юқори даромадли операциялар (банклараро кредитлар, ресурс бозоридаги воситачиларга ажратилган қисқа муддатли кредитлар ва х.к.);
- паст даромадли операциялар (давлат структураларига ёки давлат кафолати остида берилган кредитлар ва х.к.);
- бошқа кредит операциялари (ўртача даромадли).

У ёки бу операциянинг даромадлилик критерийси одатда унинг ишончлилик даражасига қарама – қарши. Шунинг учун ссуда портфелининг алоҳида элементлари даромадлиги соҳасидаги устуворлигини аниқлаш пайтида ишончлилик соҳасидаги аналогик устуворликни ҳам инобатга олиш зарур.

**Учинчи ёндашув** қарздорларнинг устувор категорияларини аниқлаш билан боғлиқ. Мижозлар базаси структураси муаммоси фаолиятнинг икки йўналиши – тижорат ва молиявий – ваколотлари кесишмасида юзага келади. Маркетинглар стратегик режани шакллантириш жараёнида банк учун устувор бўлган бозор сегментларини аниқлашади, молиячилар аниқ иқтисодий параметрларни ҳисоб – китоб қилишади. Бунда албатта ташкилотнинг перспектив тижорат ва молиявий манфаатлари ўртасида маълум қарама – қаршилиқлар юзага келади. Манфаатларнинг биринчи гуруҳи доимий мижозлар (бу ерда – қарздорлар) салмоғини доимий равишда кўпайтириб боришни талаб қилади. Бу вазифанинг бажарилишини таъминлаш учун молиявий харажатларга боришга тўғри келади (хусусан, бепул сервис хизматларини кўрсатиш, имтиёзлар бериш ва х.к.). Манфаатларнинг иккинчи гуруҳи кредит фаолиятининг молиявий натижаларини устувор тарзда инобатга олади. Бу, хусусан юқорида кўрсатилган имтиёзлар олишга талабгор бўлмаган мижозларга хизмат кўрсатилишининг жозибадорлигини оширади.

Қарздорларнинг устувор категорияларини аниқлашда банк биринчи ўз ихтисослашувини инобатга олади. Тармоқ ихтисослашуви кичик ва ўрта банклар учун рақобатбардошлик нўқтаи - назаридан асосий афзалликдир. Бу мижозларнинг тармоқ хусусиятларини тўлиқ инобатга олган ҳолда, уларга мослаштирилган хизматларни (одатда, хизматлар пакетини) таклиф қилиш имкониятини беради. Кредит сиёсатининг шакллантирилишида мижозларнинг устувор категориялари фақат кўрсатиб ўтиш етарли эмас. Молиявий нўқтаи – назардан бир неча масалаларни ечиш зарур.

Биринчидан, танланган категорияга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган ссуда портфелининг фоиз дапазонини аниқлаб олиш зарур.

Иккинчидан, бундай мижозларни жалб қилишнинг стратегик устувор усулларини талаб олиш лозим. Биринчи ва энг содда усул имтиёзли фоиз ставкаларини ўрнатиш билан алоқадор. Бундай вариантнинг афзаллиги потенциал қарздорлар учун жозибали эканлиги, камчилиги эса – кредит портфели умумий даромадлигининг пасайишидир. Шунинг учун иккинчи вариант ўртача бозор даражасидаги фоиз ставкаларини сақлаган ҳолда, махсус кредитларларнинг кенг номенклатураси ва қўшимча сервис хизматларидан фойдаланишни назарда тутаяди. Бундай хизматлар одатда инфорацион ва консултатив характерга эга бўлади.

*Мисол: хорижий банклар кичик бизнес корхоналарига олинаётган кредитларнинг самарадорлигини оширувчи хизматларнинг кенг спектрини таклиф қилишади (таъминотчилар ва бошқа бизнес – ҳамкорларни танлаб бериш, солиқ консалтинги ва х.к).*

**Тўртинчи ёндашув** кредит портфели структурасининг сифат критерийларини аниқлаш билан боғлиқ. У бир неча базавий хусусиятларга кўра гуруҳланиши мумкин:

- портфел ликвидлиги даражасига кўра;
- портфелнинг даромадлиги даражасига кўра;
- портфелнинг ишончлилиги даражасига кўра.

Кредит сиёсати доирасида аниқланган сифат критерийларидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир гуруҳнинг портфелдаги салмоғининг режа диапазони белгиланади.

*Мисол: «А» банкининг кредит сиёсатида кўра ссуда портфели структурасининг куйидаги сифат критерийлари ўрнатилган:*

- портфелнинг ноликвид ва зарар келтирувчи қисмининг салмоғи – 3,5% дан ошиқ эмас;
- портфелнинг паст ликвидли қисми – 15-20% дан кўп эмас;
- портфелнинг паст даромадли қисми – 25-30% дан кўп эмас;
- портфелнинг кам ишончли қисми – 10-15% дан кўп эмас.

Кредит ташкилотининг тегишли бўлинмалари портфел структурасини оператив бошқариш ўз фаолиятида бу дапазонларга риоя қилишга мажбурдирлар. Портфелнинг ноликвид ва зарар келтирувчи қисмини минималлаштиришга фаолиятни доимий йўналтириш – бош ва универсал талаб ҳисобланади.

**Молиявий стратегиянинг ушбу йўналиши олдидидаги мақсад** – банк (хўжалик субъекти сифатида) ва унинг акционерлари манфаатлари нисбий мослигининг таъминланишидир. Аксарият тармоқларда бу талабдан чекланиш одатда бир томонлама характерга (яъни, ўз даромадини максималлаштириш истагидаги мулкдорлар фойдасига) эга. Бундай вазиятда корхона маълум вақт ўтиши билан, ўз ривожланишини молиялаштириш учун маблағнинг етишмаслиги сабабли, бозор мавқеъни йўқота бошлайди. Банк секторида эса қарама – қарши вазиятнинг юзага келиш эҳтимоли катта, молиявий манфаатлар баланси одатда кредит ташкилоти фойдаси томонга бузилади. Бу йирик ва кичик акционерлар манфаатлари ўртасида маълум қарама – қаршиликларнинг

мавжудлиги билан изоҳланади. Тадбиркорликнинг ўзга соҳаларида бундай қарама – қаршилиқлар йўқ, негаки ҳам, йирик ҳам кичик акционерлар бир хилда юқори дивидендлар олинишидан манфаатдор. Акционерлик банкларидан бундан фақат кичик акционерлар (одатда, жисмоний шахслар) манфаатдор. Акцияларнинг йирик пакетларини назорат қилувчи акционерлар аксарият ҳолларда юридик шахслар (яъни, турли тармоқларга тегишли корхоналар) ташкил топган. Уларни кўпчилик қисми даромаднинг ўзига тегишли қисмини анъанавий (дивиденд) шаклда эмас, балки «натура» ҳолида, яъни банк профили бўйича имтиёзли хизматлар олиниши орқали олишни афзал билишади.

Дивиденд сиёсатининг бирча аспекти бўйича бошқарув қарорлари одатда банк Кенгаши аъзолари (банк акцияларининг йирик пакетига эга бўлганлар) томонидан қабул қилинади.

Йирик ва майда акционерлар манфаати балансини сақлаш мақсадида ҳамда бу билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун, тижорат банкларида молиявий менежментнинг стратегик бошқарув назарияси ва амалиёти дивиденд сиёсатига қўйидаги методологик талабларни қўяди. Улардан асосийси – фақат йирик акционерлар эмас, балки майда акционерлар манфаатини инобатга олиш заруриятидир. Қолган позициялар асосий талабни чуқурлаштиради ва янада аниқлаштиради. Дивиденд сиёсатини амалга оширишда унинг барқарорлиги ва банк раҳбариятининг ўзгариши пайтида ҳам асосий позицияларнинг сақланиши таъминланиши шарт. Майда акционерларнинг аксарият қисмини жисмоний ва тадбиркорлар ташкил қилиб, улар узоқ муддатли инвестициялар режимида ўз жамғармаларини қимматли қоғозларга жойлаштиришган.

Табиийки, бунда майда акционерлар тегишли даромад миқдори ва тўлов муддатларининг барқарорлигини талаб қилишга ҳақлидирлар. Алоҳида олинган банк учун анъанавий бўлган дивиденд сиёсатининг амалий масалаларини ҳал қилишдаги ёндашувлардан чекланишлар юзага келганда, бу тўғрисида маълумотлар акционерлар умумий йиғилишидан олдин барча акционерларга етказилиши шарт. Бу билан дивиденд сиёсатининг ошқоралигини тақозо қилувчи учинчи талаб амалга оширилади. Бу шунингдек майда акционерлар манфаатини ҳимоялашга йўналтирилгандир, негаки йирик акционерлар маълумотларни бевосита банк Бошқарувидан олиш имкониятига эга.

Дивиденд сиёсати тармоқ хусусиятларини акс эттирувчи икки стратегик ёндашувни аниқлаб беради.

**Биринчи ёндашув** банк учун анъанавий бўлган дивидендларни тўлаш муддаларини аниқлаш билан боғлиқ.

**1 – вариант.** Дивидендларни тўлаш муддатини максималлаштириш.

**Амалга ошириш принципи:** вариант молиявий йилнинг якунланиши ва дивидендларни ҳисоблаб ўтказиш муддатлари ўртасидаги катта фарқ бўлишини назарда тутаяди.

Вариантнинг **афзаллиги** банк ресурс базасининг, демак актив операциялари ҳажмининг кўпайишидир. Таксимланмаган (акционерларга тўланмаган) фойда хусусий капитални оширишнинг анъанавий манбаларидан бири сифатида чиқади. Ушбу манбанинг умумий даромадлилик даражаси, ҳақиқатда тўланиш муддатидан то ҳисоб даври якунигача бўлган фарқ ҳисобига пропорционал кўпайиб боради.

*Мисол: биринчи ҳолатда депозит ҳисобварақларига жалб қилинган маблағлар ҳамда иккинчи ҳолатда тўланмаган дивидендларнинг жойлаштирилишидан олинмаган даромад миқдорини ҳисоблаб кўрамиз. 2009 йилнинг якунига келиб, жамғарма депозитларнинг ўртача даромадлилиги 14% ни, кредит ресурсларининг ўртача қиймати 15,9% ни ташкил қилди. Шундай қилиб, 100,0 млн. сўм миқдордаги маблағларни жойлаштиришдан бир йилда биринчи ҳолатда 1,9 млн. сўм, иккинчи ҳолатда эса 15,9 млн. сўм даромад олинади. Дивидендларни тўлаш муддатининг кечиктирилиши ҳисобига банк томонидан олинмаган даромадлар миқдорини ҳисоблаш унчалик мураккаб эмас:*

- гарчи дивидендларнинг тўланиши апрел ойида амалга оширилса, банк даромади ўртасидаги фарқ 3,5 млн. сўмни ташкил қилади (15,9 – 1,9 : 12 x 3);

- гарчи дивидендлар июл ойида тўланса, банк даромади ўртасидаги фарқ 7,0 млн. сўмга тенг бўлади (15,9 – 1,9 : 12 x 6).

Вариантнинг **камчилиги** майда акционерлар молиявий манфаатининг бузилишидир (улар эртами ёки кечми уларга тегишли бўлган маблағ банк томонидан айланмага киритилганлигини билиб олишади). Бундай бузилиш банкнинг бозор мавқеига албатта салбий таъсир ўтказади.

**Амалга ошириш юзасидан таклифлар:**

- чекланган сонли акционерларга эга бўлган банклар учун вариант асосланган ва хавфли эмас, негаки акционерлар дивидендлардан эмас, балки кўпроқ банк молиявий кудратининг кўтарилишидан манфаатдор;

- қолган ҳолатларда вариант доимий равишда қўлланилиши мақсадга мувофиқ эмас.

**2 – вариант.** Дивидендлар муддатини оптималлаштириш.

**Амалга ошириш принципи:** вариант акционерларга дивидендларни тўлашни анча қисқа муддатларда амалга оширилишини назарда тутаяди. Бунда акционерларнинг молиявий манфаатлари ва банкнинг хусусий капиталини кўпайтиришнинг (кўриб чиқиладиган) вақтинчалик манбасидан фойдаланишга бўлган талаби ўртасидаги нисбий паритетни таъминлаш зарур. Шунингдек, алоҳида олинган банк учун анъанавий бўлган дивидендларни тўлашнинг ҳақиқий муддатларини аниқлаб олиш ва уни тегишли ҳужжатда расмийлаштириши керак. У майда акционерларга инвестициялардан олинган даромадларнинг келиб тушишини режалаштириш имкониятини беради.

Вариантнинг **афзаллиги** акционерлар, биринчи навбатда майда акционерлар манфаатларини инобатга олиш имкониятининг яратилишидир. Бу келгуси эмиссияларни амалга ошириш пайтида акционерлар сонини оширишга ёрдам беради.

Вариантнинг **камчилиги** тақсимланмаган фойда потенциалини хусусий капитални кўпайтиришда фойдаланиш имкониятини пасайтиришидир (демак, даромадлилик даражасининг камайиши).

**Амалга ошириш юзасидан таклифлар:** вариант ўз капиталини (кенг харидорлар аудиторияга мўлжалланган) доимий эмиссиялар ҳисобига кўпайтиришга йўналтирувчи йирик банклар учун мақсадга мувофиқ.

**Иккинчи ёндашув** дивидендлар миқдорини аниқлаш билан боғлиқ.

**1 – вариант.** Дивидендларни ҳисоблашнинг стандарт усули.

**Амалга ошириш принципи:** вариант соф фойда ва дивидендлар миқдори динамикаси ўртасидаги нисбий мосликнинг таъминланишини назарда тутаяди. Бу ҳолатда корхона муаассислари ташкилий жараёндаёқ соф фойдани тақсимлашнинг базавий пропорцияларини аниқлаб олишади.

Вариантнинг **афзаллиги** методологик соддалиги ва акционерларнинг барча категориялари учун тўлиқ шаффофлигидир. Молиявий ҳужжатларда кўрсатилган банкнинг соф фойдаси суммаси ва дивидендлар тўланиши учун ажратитиладиган қисмини билган пайтда, умумий мажлис томонидан эълон қилинган бир оддий акцияга тўғри келувчи дивиденд миқдорини тўғри ёки нотўғрилигини текшириб кўриш жуда оддий иш.

Вариантнинг **камчилиги** дивидендларнинг минимал барқарорлигини ҳам таъминлаш мумкин эмаслигидир. Ўзгарувчан молиявий бозорда иши олиб бораётган акционерлик жамиятлари фаолиятида бу яққол намоён бўлади. Йирик акция пакетлари эгалари бу ҳолатни объектив тарзда қабул қилишади ва ўз даромадларини барқарорлаштиришнинг ўзга йўллари йўллари топишга ҳаракат қилишади. Аксарият майда акционерларда ўз инвестицияларини диверсификациялаш имконияти йўқ, шунинг учун улар нисбатан барқарор даромад келтирувчи қимматли қоғозларга қизиқиш билдиришади.

**Амалга ошириш юзасидан таклифлар:** вариант юридик шахслардан ташкил топган, чекланган миқдордаги акционерларга эга банклар учун мақсадга мувофиқ.

**2 – вариант.** Дивидендлар даражасини сунъий тарзда барқарорлаштириш.

**Амалга ошириш принципи:** вариант ҳисоб даврида олинган соф фойда миқдори ва дивиденд суммаси ўртасидаги бевосита боғлиқликни четлаб ўтиш имкониятини назарда тутати. У ўз акциялари бўйича барқарор даромад олишдан манфаатдор бўлган акционерларнинг қизиқишини таъминлаб беради. Бундай ёндашув молиявий бозор конъюктурасидаги доимий ўзгаришларнинг таъсирини бартараф қилишга йўналтирилган. Амалиётда у кредит ташкилоти раҳбарияти ва муассисларини томонидан банк ихтиёрида қолувчи соф фойда миқдори ва акционерларга тўланиладиган дивидендлар ўртасидаги нисбатни ҳар йили коррективировка қилинишини тақозо қилади. Банк учун қулай бўлган йилларда фойданинг асосий қисми хусусий капитални кўпайтиришга йўналтирилади, дивидендлар эса ўртачадан сал юқорироқ даражада тўланади. Аксинча иқтисодий конъюктуранинг объектив ёмонлашуви пайтида соф фойданининг капиталлашуви минималлаштирилади, дивидендлар эса акционерлар учун одатий миқдорларда тўланади.

Вариантнинг **афзаллиги** майда акционерларнинг молиявий манфаатларининг инobatга олиншидир, бу келгуси эмиссиялар даврида улар сонининг кўпайиши эҳтимолини оширади. Бундан ташқари, аксарият майда акционерлар учун дивидендларнинг барқарорлиги банкнинг ишончлилиги ва унинг раҳбарияти компетенциясининг энг яхши далолатномаси ҳисобланади.

Вариантнинг **камчилиги** банк даромадлигининг узоқ давр давомида пасайиши пайтида юзага келади. Бундай ҳолатда кўриб чиқиладиган ёндашув кредит ташкилотининг бозор мавқеининг пасайишига олиб келади.

**Амалга ошириш юзасидан таклифлар:** вариант майда акционерлар сонини доимий кўпайтириб боришга интиладиган йирик банклар учун мақсадга мувофиқ.

#### **IV БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МЕХНАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАШ ВА БУ ЙЎНАЛИШДАГИ ИШЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.**

4.1. Тижорат банкларида меҳнат хавфсизлиги таъминлаш ва бу йўналишдаги ишларни такомиллаштириш масалалари

**Иш жойларига меҳнат шароитига талаблар.** Банк биноларини ёритиш икки турга бўлинади: табиий – қуёш нур асосидаги ва сунъий ёритилганлик. Касса, инкассация бўлмлари жойлашган биноларда иш жойининг ёритилганлиги 400 люксдан, ғазнахона (омборхона) поли юзаси 100 люксдан кам бўлмаган даражада ёритилиши зарур.

Банк биноларидаги иш жойларида йилнинг совуқ мавсумида ҳаво ҳарорати + 21 – 25 С даража, унинг ҳаракатланиш тезлиги 0,1 м/с ва нисбий намлик 60 – 40 % ни ташкил этиши зарур.

Банк биноларидаги иш жойларида йилнинг иссиқ мавсумида ҳаво ҳарорати + 22 – 26 С даража, унинг ҳаракатланиш тезлиги 0,1 – 0,2 м/с ва нисбий намлик 60 – 40 % ни ташкил этиши керак.

Банкларда товушнинг (шовқиннинг) рухсат этилган чегаравий даражалари куйидагича (СанПиН 0058):

Математик дастурчилар ва видеодисплей терминали операторлари ишлайдиган жойларда – 50 дБА дан ошмаслиги керак;

Компютер қурилмалари таъмирлаш ишларини амалга оширувчи ҳамда лаборатория текширувидан ўтказувчи муҳандис – техник ва ишчилар ишлайдиган жойларда – 60 дБА;

Ҳисоблаш машиналарининг шовқинли агрегатлари жойлашган иш жойларида (принтер ва бошқалар) – 75 дБА.

Компютер ва нусха кўпайтириш техника воситаларида ишловчи ҳар бир ходим иш жойи майдони - 6 м<sup>2</sup>, ҳажми – 20 м<sup>3</sup> дан кам бўлмаслиги зарур. Бир неча компютер ва нусха кўпайтириш техника воситаларидан иборат иш жойларини ташкил қилишда қўшни иш жойларида ишловчилар меҳнатини муҳоваза қилиш учун иш столлари шундай

жойлаштирилиши керакки, бир дисплейнинг орқа томони Билан кейинги қатордагисининг экрани орасидаги масофа камида 2 метр, ёнма – ён турган иш жойлари дисплей корпуслари орасидаги масофа эса камида 1,2 метр бўлиши шарт (СанПиН 0100-00).

Компютер ва ташкилий техника жойлашган хоналар тебраниш таъсиридан ҳоли, тебраниш манбаи бўлган хоналар билан ёнма – ён бўлмаслиги лозим. Видеомонитор экрани ишловчининг кўзи учун энг зарарсиз масофада, яъни 500 мм дан яқин бўлмаслиги зарур (энг қулай масофа 600 – 700 мм). Компютерлар хонада шундай жойлаштирилиши керакки, видеомониторларнинг орқа ва ён тарафларига ходимлари 500 мм яқин масофага келишига йўл қўйилмайди (СанПиН 0100-00).

**Санитария – маиший хизмат хоналарига талаблар.** Банк бўлинмалари биноларида турли хизмат кўрсатиш хоналари: ошхона, тиббий хизмат, хожатхона, аёллар шахсий гигиена хоналари ва бошқалари бўлиши керак.

200 нафардан ортиқ ходими бўлган банкларда одатда ошхона, 200 нафаргача ишловчилар бўлган банкларда эса, овқат тарқатадиган ошхона, ёки тамаддихона, ёки кафетерий бўлиши режалаштирилади. Ишловчилар сони 30 нафардан ошмаган банкларда овқатланиш хонаси бўлиши зарур. Овқатланиш хонаси қўл ювгич, стационар сув қайнатгич, электр плита, совутгич билан жиҳозланган бўлиши керак. Ходимлар сони 10 кишидан кам бўлган банк бўлинмаларида овқатланиш хонаси ўрнига кийимхона ёки ходимлар хонасида майдони 6 м<sup>2</sup> бўлган овқатланиш овқатланиш хонаси ташкил этилади.

Рўйхат бўйича ишловчилар сони 50 дан 300 нафаргача бўлган банк бўлинмаларида иссиқ сув ва совуқ сув, тегишли жиҳозлар билан таъминланган тиббий пунктлар ташкил қилиниши лозим.

Банк бўлинмаларида ишлайдиган ҳар 75 нафар аёл учун битта шахсий гигиена хонаси бўлиши зарур. Бундай хоналар хожатхона билан ёнма-ён, умумий тамбурли қилиб жойлаштирилади. Хоналарда ечиниш жойлари ва қўл ювгичлар бўлиши керак.

Кўп қаватли банк биноларида хожатхона ҳар қаватда бўлиши зарур. Ишловчилари 30 ва ундан кам бўлган икки қаватли бўлинмаларда бита хожатхона ажратилиб, у ишловчилари кўпроқ бўлган қаватда жойлаштирилади. Ишловчилар 15 нафардан ошмаса, умумий хожатхона режалаштирилади.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР:

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳукм сураётган айни дамда, иқтисодиётнинг реал сектор корхоналарини, шунинг билан бирга инфратузилма объектлари ривожланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида инвестицион маблағларни топиш ва уларни мақсадли йўналтириш муҳим омиллардан бирига айланмоқда.

2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган асосий йўналишларнинг учинчи бўлими «Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида ресурс базасини кенгайтириш ва инвестицион фаоллик ўсишини таъминлаш чоралари»га қаратилган бўлиб, биргина 2009 йилнинг ўзидаёқ дастурни ижросини таъминлаш, яъни тижорат банклари томонидан корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун жами 2,4 трлн. сўм миқдоридан ёки 2008 йилга нисбатан 1,6 баробарга кўп инвестицион кредитлар ажратилди.

Хусусан ўтган 2009 йилда инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доирасида 690 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, шулардан 303 таси муваффақиятли яқунланди. Жалб этилган хорижий инвестицияларнинг ҳажми 68 фоизга ўсди, уларнинг асосий қисми тўғридан-тўғри киритилган инвестицияларни ташкил этди.

2009-2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилган инвестицион лойиҳалар Дастурини тўлиқ амалга ошириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан жами 42,5 млрд. доллар миқдоридан маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Умуман айтганда, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон иқтисодиётининг муваффақиятли ва барқарор ривожланишининг асосида чуқур ўйланган, Ўзбекистонга хос хусусиятлар тўла ҳисобга олинган иқтисодий ислохотларнинг ўзига хос ва ўзимизга мос модели мужассам. Ушбу дастурнинг ўтган 18 йил мобайнида изчил амалга ошириб келиниши собиқ «Марказ»га ҳар томонлама боғланиб қолган аграр, паст технологияли ва самарасиз иқтисодий тузилманинг диверсификациялашган, жаҳон бозорига рақобатбардош, кенг даражада хилма-хил тайёр маҳсулотлар билан чиқаётган, узлуксиз юқори суръатлардаги иқтисодий юксалишга мойил, жиддий расмий омиллар ва бенуқсон кредит тарихига эга бўлган замонавий иқтисодиётга айланишини таъминлайди.

Мамлакатимизда 2010 йил учун амалга ошириш белгилаб олинган инвестиция дастурида молиялаштиришнинг аҳамиятли қисми корхона маблағлари (42,6 фоиз) ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш (21,3 фоиз) орқали амалга оширилиши режалаштирилган. Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, аҳоли маблағлари ва Тикланиш ва тараққиёт маблағлари ҳисобига 2010 йилда жами инвестицион маблағларнинг 22,6 фоизи тўғри келиши назарда тутилган. Бундан кўриниб турибдики, асосий эътибор корхона маблағлари ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми кўламини ошириш ва бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг техника ва технологик қувватларини модернизациялаш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали аҳолининг юқори даромад олишига эришиш, буларнинг оқибатида эса, мамлакат фаровонлигини юксалтириш мақсад этиб қўйилган.

Бугунги кунда ички инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш юллари:

- тижорат тузилмаларини кафолатга бўлган талабини таъминлаш мақсадида кафолат-гаров жамғармалари тизимини шакллантириш;

- аҳоли бўш пул маблағларини инвестицион жараёнларга жалб қилиш мақсадида қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш, турли қимматли қоғозларни муомалага чиқариш (уй-жой сертификатлари ва уй-жой облигациялари);

- ишлаб чиқаришни тузилмавий-технологик қайта қуришни жадаллаштириш мақсадида марказлашган кредит ресурсларнинг бир қисмини тез қоплайдиган

инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратиш, шу жумладан кичик бизнес объектларига йўналтириш;

- инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг ноқредит усулларида бўлган лизинг, франчайзинг, факторинг кабилардан фойдаланишни кенгайтириш;

- инвестицион лойиҳаларни сифатини ошириш, лойиҳаларни капитал қўйилмалар самарадорлиги талабларига мос келиши мақсадида тижорат асосида доимий равишда фаолият юритадиган инвестицион лойиҳалар кўргазмасини ташкил қилиш ишлари амалга оширилиб келинмоқда.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Марказий банк тўғрисида» ги Қонуни, 1995 йил 21 декабр
  2. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги Қонуни, 1996 йил 25 апрел.
  3. Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмол кредити тўғрисида» Қонуни, 2006 йил 6 май.
  4. Ўзбекистон Республикасининг «Ипотека тўғрисида» ги Қонуни, 2006 йил 4 октябр
  5. Ўзбекистон Республикасининг «Микромолиялаш тўғрисида» ги Қонуни, 2006 йил 15 сентябр.
  6. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини химоялаш кафолатлари тўғрисида» ги Қонуни, 2002 йил 5 апрел
  7. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси.
  8. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси.
- Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислон Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.
9. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
  11. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
  12. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислон Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
  13. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.
  14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сон.
  15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини химоялаш кафолатларини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4057-сон.
  16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашни таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон.
  17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январь, ПҚ-1041-сон.
  18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини кучга киритиш тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1046-сон.
  19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида. 2008 йил 19 ноябрь, Ф-4010-сон.

27. Муллажонов Ф. “Ўзбекистон Республикаси банк тизими”, Т.: 2001 йил
28. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебник. М. Проспект. 2007г.
29. Е.П.Жарковская. Банковское дело. Учебник. М. Омега-Л, 2007г.
30. Р.Г. Ольхова. Банковское дело. Учебное пособие. М. КНОРУС. 2008.
31. С.Н. Кабушкин. Управление банковским риском. Минск. Новое знание. 2007г. 1 экз.
32. А.Ю. Петров, В.И. Петрова. Комплексный анализ финансовой деятельности банка. М. Финансы и статистика. 2007 г. 1 экз.

[www.cbu.uz](http://www.cbu.uz).

37. «Банк ахборотномаси 2009 йил апрел – декабр сонлари
38. «Банковский вестник» 2009 йил апрел – декабр сонлари
39. «Бозор, пул ва кредит» 2009 январ – декабр сонлари

интернет сайтлар:

1. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz).
2. [www.nbu.com](http://www.nbu.com).
3. [www.pakxtabank.uz](http://www.pakxtabank.uz).